Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 10 август
ШАНБА
№ 154 (5.197).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

МЎЪТАБАР ЗАМИН ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Шу кунларда жумҳуриятимиз пахтакорлари ғўза парваришини ҳар қачонгидан кўра қизғин олиб бормоқдалар. Бу бежиз эмас. Кўкламнинг охирида ва ёз бошида рўй берган ёғингарчилик, ҳавонинг паст келиши деҳқонларимиз ташвишини кўпайтирди. Экин ривожидаги қолоқликни бартараф этиш учун ниҳолларга қўшимча равишда ишлов беришга тўғри келди.

Пайариқ районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги аъзолари ҳам парваришни бўшаштирмаётирлар. Зариф Маматмуродов бошлиқ бригада аҳли 120 гектар ерда ғўза ўстирмоқда. Мақсад — гектар ҳисобига 35 центнердан ҳосил етиштириш. Бу ерда иш оилавий звеноларга юклатилган. Мавжуд 38 та звено майдонларни шартнома асосида бўлиб олиб, деҳқончилик қилаяпти. Холида Тепабоева (чапда) шуларнинг бири. У икки гектарни пудратга олган, гектаридан 40 центнердан оқ олтин йиғиштириб олмоқчи.

Исмат Аҳтамов (ўнгдаги суратда) эса райондаги Пиримқул Нурмонов номли жамоа хўжалигида оилавий звено бошлиғи. Унинг ҳам икки гектар экин майдони бор. Айни пайтда қатор ораларига ишлов бериш, суғориш намунали олиб борилмоқда.

К. ТУРСУНОВ олган суратлар.

ҲАМ ПОЛИЗ, ҲАМ ПАХТА

Қуёш тобора қиздирмоқда. Жиззах чўлидамиз. Қилт этган шамол йўқ. Ҳамма иш билан банд. Бу ерда жамоалар давлат хўжаликларидан иборат. Уларни тартиб рақами билан ҳам юритишади.

Пахтакор районидаги Ульянов номли 6-давлат хўжалиги идорасига кирдик. Икки-уч ҳисобчи ва котиба аёлдан ташқари ҳеч ким йўқ. Раҳбарларни сўрадик. Далада, дейишди. Район партия комитети ташкилий бўлими мудири Қувондиқ ака Ўролов билан далага йўл олдик. Яхшиямки, ҳамроҳимизнинг машинаси бор. Акс ҳолда бирор иш битириш мушкул. Чунки ҳар бир бригаданинг оралиғи камида беш-олти чақирим.

3-йириклаштирилган бригада даласидан чиқиб қолдик. Пайкалларга қовун ва тарвуз экилган. Бригадирни излаб, ниҳоят сўраб-суриштириб топдик. Қорачадан келган, боқишлари дадил, вазмин, мулоҳазали киши Бекмирза Маҳмудов экан.

— Хирмонга барака, — дедик одатимизга биноан.

— Раҳмат, раҳмат.

Бекмирза ака бизга шийпонга бораверишимизни, ўзи орқамиздан етиб боришини айтди. Оддийгина дала шийпони. Олдида мўъжаз ҳовузча. Суви булоқникидай тиниқ. Ичида балиқлар сузиб юрибди. Атрофи салқин. Бийдай далада уни қурганнинг ақлига, тадбиркорлигига қойил қолдик. Туш пайти бўлгани учун бизни бирга овқатланишга таклиф этишди. Дастурхонга қовун, тарвуз қўйилди, палов ҳам тортилди.

Ҳайрон бўлиб райком вакилига қарадим.

— Тушликка ўзларига тайёрлашган, — деди бу ернинг шароитини билган ҳамроҳим.

Бригадир билан суҳбатлашдик. Бригадада 190 гектарга чигит, 91 гектарга беда, 35 гектарга полиз экинлари, 5 гектар ерга кунжут экилган. Бултур ҳосил чакки бўлмади. Пахтадан гектаридан 21 центнердан, полиздан 180 центнердан хирмон кўтаришди. 520 тонна қовун-тарвуз топширилди. Йил охирида бир сўм асосий иш ҳақига бир сўму беш тийиндан мукофот тегди.

Ҳозир полиз маҳсулотларини йиғиштириш айни авжида. Режа 570 тонна. Ҳозирги кунгача 250 тонна маҳсулот топширилди.

Маълумки, бу йилги баҳор деҳқон учун оғир келди. Йириклаштирилган бригада далалари ҳам анча талафот кўрди. Майнинг охирларида қайтадан чигит экилди. Бугунгача ғўзалар икки марта суғорилиб, олти марта ишловдан чиқарилди. Ҳар тупда 8—9 тадан кўсак санаш мумкин. Чеканка тугалланди. Бу йилги режа гектаридан 20 центнер, лекин, бригада етакчиси ҳосил чўғи 25 центнердан кам эмаслигини айтди. Ҳозир дала ишларида сувчилардан Қудрат Холмуродов, Амрилло Ҳосилов, Пиримқул Қосимов, механизаторлардан Жозил Турсунқулов, Содиқ Тўраев, чопиқчилардан Фарида Бобобекова, Ҳикмат Эшонқулова, Умида Қосимова, Фотима Холмуродова бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Дала шийпонига хўжалик бош агрономи Мақсуд Усмонов ва район деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг ўринбосари Шарифбой Обидов келиб суҳбатимизга қўшилишди. Улар полиз ва дон экинларига тушган касалликларга чора излаб юришган экан.

— Баҳорда ва ёзнинг дастлабки ойларида ёмғирнинг кўп бўлиши натижасида бу экинларда сўлиш ва замбуруғли касаллик пайдо бўлди. Уларни йўқотиш учун заҳарли кимёвий дорилардан фойдаланишимиз керак, — деди Мақсуд Усмонов. — Лекин дорилар кам. Биологик усул эса ҳали яхши самара бераётгани йўқ. Шунинг учун елиб-югуриб чора изламоқдамиз.

Ҳа, деҳқон учун осон келган йилнинг ўзи йўқ. Ё баҳорда, ё кузда табиат инжиқлик қилиб қолади. Лекин деҳқон ҳаммасини енгади. Биз Бекмирза ака Қамбаров жамоаси билан хайрлашар эканмиз, уларнинг ишларига омад, ҳосилига яна бир бор барака тиладик.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.
Жиззах вилояти.

БЎЛИҚ КЎСАКЛАР

Бултур 98 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан оқ олтин етиштириб, Киров райони «Бешариқ» давлат хўжалигида юқори натижага эришган коммунист Солиҳа Ҳасанова бошлиқ бригада жамоаси бу йил хосилдорликда 36 центнерлик маррани кўзлаяпти. Шу кеча-кундузда ғўзалар агротехника қондалари асосида, машинабоп қилиб парваришланаяпти. Ҳозиргача олти марта ишлов берилган, беш марта кетмон чопиғидан чиқарилган, оби-тобида ўғитланиб, «шарбат» сувига қондирилаётган ниҳолларнинг ривожи баланд. Ҳар тупда 19—20 ҳосил шоҳи, 20—22 та гул ва шона, 8—9 та бўлиқ кўсак бор.

Сувчилар беллашувида Асқарали Тожиев байроқдор. У ҳар куни 1,5 гектар майдондаги экинни оби-ҳаётга қондириб, ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

А. УЗОҚОВ.

ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ ПОК ҚЎЛЛАРДА

— Бизнинг Янгийўл районидаги майда балиқларни етиштирадиган хўжалигимиз Ўзбекистондаги барча ҳавзаларга карп, сазан, дўнг пешона балиқларини тарқатади, — дейди жамоа директори Одил Қобилов. — Улардан шу йили биолабораторияда 11 миллион дона тайёрланди. Шу билан бирга аҳоли истеъмоли учун йирик балиқлар боқаяпмиз. Бунинг учун ҳамма имконият яратилган. Ниятимиз мавжуд ҳавзаларни кенгайтириб буюртмачилар талабини тўла қондириш.

Хўжаликда иш бир маромда ташкил этилган. Бу ерда ўз касбининг фидойилари кўп. Шулардан Энвер Ваджапов бошлиқ балиқчилар бригадаси ҳозир сазан, карп, дўнг пешона балиқларини яхши парвариш қилиб, ҳар куни 4—5 тонна маҳсулотни савдо пештахталарига юборишяпти.

Бозор иқтисодиёти муносабати билан қимматчилик юзага келди. Шу сабаб балиқчилик хўжалиги атрофида браконьерлар кўпайиб кетди. Илгари балиқларни ғиштлар кўриқлашар эди. Энди буни эплаш қийин бўлиб қолди. Шу боис фаоллар бу ишга жалб этилмоқда. Икки ой мобайнида 10 браконьер ушланиб, улардан етказилган зарар — жарима ундирилди. Талончиларни аямай жазолаш ўз самарасини бераяпти. Балиқ «ишқибозлари» сони камайди. Бу билан йилига бир неча тонна балиқ талон-торож бўлишдан сақлаб қолинади.

Балиқ овлаш мавсуми бошланганидан буён балиқчилар режага қўшимча 15 тонна маҳсулотни савдога чиқардилар. Улар йил охиригача аҳолини тирик балиқ билан узвий таъминлаш ниятида меҳнат қилишаяпти.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Чорваси шахсий— маҳсулоти умумий

Жумҳурият Президентининг шахсий хўжаликларда боқилаётган молларга омихта ем бериш тўғрисидаги фармони қишлоқ аҳолисига жуда катта мадад бўлди. Қишлоқ аҳли шахсий хўжалигида етиштирган маҳсулотларининг эҳтиёжидан ортиқчасини давлатга сотиб, мўмай даромад олишмоқда.

Янгибозор ноҳиясидаги «Ленинизм» колхози меҳнаткашлари ўз шахсий хўжаликларидан давлатга сут сотиш бир йиллик планини муддатидан олти ой олдин бажаришди. Давлатга яна 65 тонна сут топшириш кўзланмоқда.

— Бундан ҳам зиёд бўлади, — дейди «Ленинизм» қишлоқ Кенгаши раиси Назар Йўлдошев. — Шу кунгача аҳолига 64 тонна комбикорма, 65 тонна шрут, 34 тонна шулха сотилди. Бундан ташқари яна жамоа хўжалигидан 100 тоннага яқин пичан ҳам аҳолига тарқатилди. Бу албатта, шахсий хўжалик молларининг сут ва гўшт топширишдаги самарадорлигини янада оширди. Айниқса, шу кунларда Гулсара Тожиева, Гулчеҳра Жуманиёзова, Дармонжон Искандарова, Сўпажон Абдуллаева, Мунаввара Янгибоевалар кунига 15—25 литрдан ёут топширмоқдалар. Шу билан бир қаторда қишловга пухта тайёргарлик кўрилмоқда, мўл озуқа жамғарилмоқда.

А. ЖУМАНИЁЗОВ.

КИМНИНГ ҚОВУНИ ШИРИН?

9 август куни К. Маркс кўчасида ва унинг ёнидаги хиёбонда қовун сайли бошланди, кейинчалик эса сайл шаҳарнинг барча районларига тарқалди. Уч кун давом этадиган қовун сайлида минглаб тошкентликлар ва жумҳурият пойтахтининг меҳмонлари қатнашадилар. Улар «Кимнинг қовуни ширин?» деган саволга жавоб беришлари керак.

Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат идорасининг ходимлари сайлга бир ярим минг тонна полиз, 2 минг тоннага яқин турли-туман мева ва сабзавот маҳсулотларини тайёрлаб қўйдилар. Жиззах, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг деҳқонлари ҳам ўз маҳсулотларини олиб келдилар. Савдо, умумий овқатланиш соҳаси ходимлари ҳам сайл кўнгилдагидек ўтиши учун ҳаракат қилдилар. Қовун билан бирга совғасалом буюмларини сотиб олиш, палов, кабоб, шўрва каби таомларни тотиб кўриш, бир пиёла чой ҳам ичиш мумкин.

Байрам мусиқасиз, шоду ҳуррамликсиз бўлармиди? Пойтахтимизнинг майдонлари ва истироҳат боғларида карнаю сурнай овози янграйди, қўшиқлар ҳаволанади, аскиячиларнинг мусобақалари бошланади.

Қовун сайли қизиқарли бўлишига ишонамиз.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсатида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг 7 августда бўлган навбатдаги мажлисида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятининг фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди. Ҳар томонлама ўрганиш бир қанча жиддий муаммолар, жумладан «Народное слово» газетасининг чиқарилиши ва аҳоли орасида тарқалиши билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатди — бу газета тиражининг ярми «Союзпечать» дўконларида сотилмай қолмоқда, унга обуна даражаси жуда паст. Бундай аҳвол кўп жиҳатдан ҳозирги вақтда республикада рус тилида умумий тиражи 5 миллион нусҳадан ортиқ икки мингтадан кўпроқ республика Иттифоқ ва Иттифоқ нашрлари тарқатилаётганлиги, обуна нархи анча ошганлиги билан боғлиқ. Шундай қилиб, «Народное слово» газетаси тиражини ўзини ўзи оқлайдиган даражада кўпайтиришнинг чинакам истиқболлари йўқ, таҳририят эса ўз фаолиятини яхшилашга қодир эмас, деб таъкидлашди раёсат аъзолари.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Н. Саъдуллаев, Ўзбекистон ССР давлат матбуот комитетининг раиси У. А. Абдураззоқов, республика молия вазирининг биринчи ўринбосари Т. Н. Гуськова, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунуни СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири Л. П. Қаюмов, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош редактори З. И. Есенбоев, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг аъзолари Э. Ҳ. Ҳалилов, Р. Ҳ. Абдуллаев, П. Қ. Ҳабибуллаев, Ғ. З. Заҳриддинов, Э. Н. Хўжаев, П. Қ. Қодиров ва бошқалар ахборот берди ва газеталар таҳририяти фаолиятини янада яхшилашга доир таклифларни айтдилар. Улар республика Олий Кенгаши бешинчи сессиясининг тегишли қарорини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватладилар ва раёсатнинг мазкур масалага доир қарори лойиҳасига бир қанча муҳим қўшимчалар киритдилар. Ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясининг раиси Э. Т. Шайхов таклиф этилаётган қайта тузиш масаласи комиссиянинг бир кун олдин бўлиб ўтган мажлисида ҳар томонлама муҳокама этилгани ва маъқуллангани ҳақида ахборот бериб, комиссия номидан киритилган таклифни қабул қилишни тавсия этди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини чиқариш учун ўзини оқламайдиган харажатларни камайтириш мақсадида, шунингдек Олий Кенгашнинг позициясини тағин ҳам изчиллик ва собитқадамлик билан тасдиқлаш, газеталарнинг уларнинг олдига қўйилган умумий вазифалар бажарилишини таъминлаши зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати «Халқ сўзи» — «Народное слово» ягона таҳририятини тузишга қарор қилди ва бундан буён «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетасида эълон қилинадиган материаллар асосан бирбиридан таржима материаллари бўлади, деб белгилаб қўйди.

А. Р. Саидов «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари, Т. И. Назаров, Л. Н. Пак бош муҳаррирнинг ўринбосарлари, А. И. Ковалев, С. Ф. Муҳиддинов масъул котиблар этиб тасдиқландилар. Мажлисда газета таҳрир ҳайъати таркиби ҳам тасдиқланди. Унга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари, таниқли журналистлар, олимлар, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари киритилди. Таҳририят тузилиши ва штатлари, ҳаражатлар сметаси тасдиқланди.

Раёсат мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик одоби комиссияси тўғрисидаги низом ҳамда депутатлик одоби қоидалари қабул қилинди. Бу ҳужжатларни ошкоралик ва депутатлик одоби комиссиясининг аъзолари тайёрлаган ва шу комиссиянинг бир қанча комитетлар ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари иштирок этган кенгайтирилган мажлисида олдиндан кўриб чиқилган эди. Депутатларнинг кўпгина таклифлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва унинг органлари фаолиятининг тажрибаси бу ҳужжатларда мужассамлашган.

Қабул қилинган низом ва қоидаларнинг бош мақсади парламент иши маданиятини янада ошириш ҳамда депутатлар уюшқоқлигини кучайтиришга, уларнинг ижтимоий фаолиятида интизом ва ўзини ўзи назорат қилиш жараёнларини мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат. Жумладан депутатлик одоби қоидаларининг 12-моддасида Ўзбекистон ССР халқ депутати бошқа халқ депутатлари билан муносабатларида одоб меъёрларига риоя қилишга, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишга, бошқа округлар сайловчилари орасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятидан, сайловчиларга таъсир ўтказишнинг ўзга усулларидан тийилиб туришга, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, унинг раиси ёки сайлаб қўйилган органларнинг топшириғи бўлмаса ўз касбдошларининг депутатлик ишларига аралашишдан тийилиб туришлари шартлиги кўзда тутилган.

ТАЖРИБАКОР ДАЛАСИДА

Бу йилги об-ҳаво инжиқликлари, май ойида ва июннинг бошларида бўлган кучли ёғингарчилик деҳқонларни шошириб кўйди. Лекин тажрибали, тадбиркор кишилар юз берган қийинчиликлар олдида сира бўш келишмайди. Чортоқ районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бригадири Йўлдош Турғунов шундай ўзига хос мактаб яратганлардан. У бошлиқ 10-бригаданинг 60 гектар майдондаги ғўзаси, 25 гектар ерда бедаси, 19 гектардаги маккажўхориси бу фикрнинг ёркин далили. Текис ривожланаётган ғўзаларнинг ҳар тупида 7—8 тадан кўсак бор.

Бултур бригада аҳли 50 гектар ернинг ҳар гектари ҳисобига колхознинг ўртача кўрсаткичидан 6,6, районикидан 12, Наманган вилоятиникидан 17,4, жумҳуриятникидан 20,7 центнер зиёд пахта етиштирди.

Асл деҳқон ҳосил учун қурашни барвақт бошлайди, — дея сўз очди Йўлдош ака. — 1990 йил ҳосили учун аввалги кузда замин яратдик. Ғўзапояни юлиб олгандан сўнг, ерларни синчиклаб кўздан кечирдик. 15 гектар ориқ даланинг ҳар гектарига 30 тоннадан гўнг солиб, икки ярусли плуг билан чуқур ҳайдадик. 35 гектар ернинг ҳар гектарига 100 килограмм калий ва 200 килограммдан аммофос аралашмасини сепиб, шудгорладик. Сўнгра экинзор март ойигача дам олди, 20 мартда ерни текислаб, бороналадик. Гектар ҳисобига 100 килограмм азот, 50 килограмм калий, 50 килограмм аммофос аралаштириб тупроққа солинди ва жўяк олинди. Ўғит чигит тушадиган қатордан 15 сантиметр узоқликда ва 20 сантиметр чуқурликда бўлиши таъминланди. Кетма-кет эгатларга енгил сув берилди, кейин бороналаб, пуштага уруғ қададик. Қатор кенглиги 60, кўчат оралиғи 20 сантиметр бўлди. Экиш 10—22 апрелда ўтказилди, 28 апреллан яганалар бошланиб, 13 майда тугалланди. Шундан сўнг озиқлантириш, чопиқ, қатор ораларига ишлов бериш, суғориш агротехника қоидалари асосида, ўз вақтида ўтказилди. Тўрт марта сув тарадик, 12 марта культивация қилдик. Пахта пишгач, 15—25 сентябрда ғўза барги тўкилтирилди. Кейинги беш йил давомида биз қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биологик усулни қўллаяпмиз. Кузда жами пахта хирмони 245 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик ўртача 48 центнерга етди.

Йўлдош Турғунов тўрт йил аввал бригадага бошлиқ бўлиб келганида режа бажарилмаганди. Аъзолар йил охирида бирор сўм қўшимча пул олишмаган. Янги бригадир аҳволни ўзгартириш учун бор тажрибасини ишга солди, меҳнатда ўзи намуна кўрсатди. Астойдил интилиши беҳуда кетмади. 1990 йилда бригаданинг 56 нафар аъзосига якунда асосий иш ҳақининг ҳар сўмига 1 сўм 53 тийиндан қўшимча тегди.

Бригада эришаётган ютуқ омилларидан бири алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилганлигидир. Бир майдонга олтиетти йил ғўза, уч йил беда ўстирилади. Бултур 30 гектар, бу йил 20 гектар бедапоя бузилиб, ўрнига чигит экилди. Бу борада яхши тажриба тўпланган. Аввал 15 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, беда илдизи қирқилади, сўнгра ўғит ёки гўнг солиб, яна 40 сантиметр чуқурликда шудгорланади. Шунда томирлар чириб, тупроққа қўшилади, экинга куч-қувват бўлади.

Йўлдош Турғунов Мучим қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У тўрт яшарлигида отаси Улуғ Ватан урушига кетиб, қайтмади. Онаси ва синглиси билан қолди. Йўлдош ҳам мактабда ўқиди, ҳам далага чиқиб ишлади. 7-синфни тугатгач, табелчилик қилди. Ўрта мактабни ва қишлоқ хўжалиги техникумини сиртдан битирди. Уйли-жойли бўлди. Турмуш ўртоғи Эргашбиби илғор пиллакор. Фарзандлари элга муносиб бўлиб улғайишмоқда. Катта ўғли Мирзамаҳмуд Турғунов жамоа хўжалиги партия қўмитаси котиби, кейингилари: Қодиржон— ҳисобчи, Одилжон— тракторчи, Зокиржон пахта заводида муҳандис; қизлари Жамила — тиббий ҳамшира, Роҳида муаллимлар тайёрлайдиган олий илмгоҳ талабаси.

Й. Турғуновнинг фидокорона меҳнати муносиб тақдирланмоқда. У Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат» орденлари соҳиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш ва бронза медаллари совриндори.

Бу йил Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари 815 гектар майдонда ғўза ўстиришмоқда. Ҳар гектар ердан 36 центнердан хирмон кўтариш, давлатга жами 2.950 тонна пахта сотиш режалаштирилган. Тажрибали пахтакор Йўлдош Турғунов бошлиқ бригада аъзоларининг ниятлари янада қутлуғ: 60 гектарнинг ҳар гектари ҳосилдорлигини ўртача 45 центнерга етказишмоқчи. Айни кезларда шу мақсад йўлида бор тажрибани ишга солиб, астойдил тер тўкишяпти.

Й. МАНСУРОВ.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

Янгилик жуда қувончли эди. Уйчи пиллакашлик ишлаб чиқариш бирлашмасида Бахмал газлама (вилюр) ишлаб чиқариш бошланди. Бундай газламага талаб жуда катта. Краснодар ип-газлама комбинатидаги касбдошлар уйчиликларга тақчил газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ёрдам бердилар. Улар бирлашмага дастгоҳларнинг бир қисмини, хом ашё етказиб бердилар, бутун технология жараёнини ишлаб чиқдилар. Уйчи тўқувчиларидан фақат ишлаб чиқариш биноларини бўшатиб бериш талаб қилинди холос. Шартлар бажарилди.

Маҳсулотнинг дастлабки туркуми Краснодарга жўнатилди, у ерда газламани тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳишига кўра турли рангларга бўялади.

Уйчи бирлашмасида вилюр арқоғи тандага тортиб қўйилган 14 та дастгоҳдан фақат биттаси ишлаяпти. Ҳуллас, бу ерда тақчил маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолди, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки Краснодар комбинати бирлашмага хом ашё етказиб бермай қўйди.

Бахмал газламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида шартнома тузилаётганда бунинг эвазига Краснодар ип-газлама комбинати бир йил давомида 8 минг тонна пахта толаси етказиб беришни талаб қилган эди. Уйчиликлар шартномани имзолашаётганда бу шартни бажариш мумкин, деб қабул қилдилар.

Ҳуллас, наманганликлар РСФСРдаги шериклар таклиф этган яна бир жозибали истиқболдан маҳрум бўлдилар. Уйчиликлар тўрт йил давомида яна бир тақчил газлама — нимдухоба ишлаб чиқарадиган энг замонавий технология қўлланиладиган корхона қуриш мажбуриятини олган эдилар.

Мана энди шу ниятларнинг ҳаммаси барбод бўладиганга ўхшайди. Иккала томон ўз манфаатларини ўйлаяпти. Асосий томон ҳисобланган истеъмолчилар манфаатлари эса ҳисобга олинмаяпти. Шу тариқа республикамизда яшовчилар нархи кун сайин ошиб бораётган тақчил газламаларни уч баравар қимматига сотиб олишга мажбур бўлаверадилар. Афсуски маҳаллий маъмурлар бу аҳволни ўзгартиришнинг ҳақиқий имкониятларини назарга илмаётирлар. Бу муаммони ҳал қилиш учун озроқ омилкорлик, ташаббускорлик ва узоқни кўра билиш талаб қилинади, холос. Лекин ҳозирги пайтда бундай хусусиятлар духоба газламадан кўра тақчилроқ бўлиб қолди...

Н. ХУЖАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

ЛОЙИҲА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ДАСТУРИ

СОЦИАЛИЗМ, ДЕМОКРАТИЯ, ТАРАҚҚИЁТ

Мамлакатимиз XX асрнинг 90-йилларига чуқур ўзгартишлар белгиси остида кирди. Қайта қуриш турмушнинг барча соҳаларини аллақачон етилган демократик негизда ислоҳ қилиш учун кенг уфқ очди. Бу жараён зиддиятли ва мураккаб тарзда ривожланмоқда. Янгиликнинг қарор топиши билан бирга ижтимоий-сиёсий ва миллатлараро кескинлик, иқтисодий инқироз, ижтимоий онгда катта силжишлар содир бўлмоқда. Коммунистик партия ҳам ўз ривожининг қалтис минтақасидан ўтмоқда.

Мана шундай шароитда ўтмишни ва ҳозирги кунни холисона баҳолаш, жамиятимиз воқеликларини ва жаҳон цивилизациясининг бутун боришини, социалистик тараққиёт истиқболларини теран идрок этиш зарур. Равшан ва амалий ҳаракат дастури, инсонпарвар, одилона, халқчил жамият сари изчил олға силжиш дастури керак. Партиянинг ўзини тубдан янгилаш, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янгича тушуниш ҳам зарур.

Ушбу Дастурнинг вазифаси — замон саволларига жавоб беришдан, коммунистларни, социалистик йўлнинг барча тарафдорларини жипслаштиришнинг ғоявий негизи бўлиб хизмат қилишдан иборат. Партия Ватан тақдирини, фуқаролар тинчлигини ва Совет Иттифоқи халқларининг омон-эсонлигини азиз билувчи ҳаммага шу Дастур билан мурожаат қилади.

I. Бизнинг қоидаларимиз

КПСС меҳнат аҳлининг манфаатларини биринчи ўринга қўяр экан, ҳозир ижтимоий тараққиёт ва демократик ислоҳотлар партияси, ижтимоий адолат ва умумбашарий қадриятлар партияси, иқтисодий сиёсий ва маънавий эркинлик партияси тарзида иш кўради.

КПСС халқнинг эзгу орзу-умидларини изҳор этиб, ўз тарихидан сабоқлар чиқариб ва жаҳон тажрибасини эътиборга олиб, ўз сиёсий фаолиятида:

— ислоҳотлар йўли билан таъминланадиган ҳар томонлама ижтимоий тараққиёт манфаатларига амал қилади. Бу ёндашувнинг истиқболли экани ҳозирги жаҳон тараққиётининг тажрибасида исботланган. Мана шундай шароитда биронта масъулиятли сиёсий ташкилот жамиятни зўравонлик билан қайта тузишга ҳаракат қилишга ҳақли эмас, бунинг устига ядровий, экологик ва бошқа хавф-хатарлар ижтимоий фалокатларнинг тахликали оқибатларини кўп марталаб оширмоқда;

— инсонпарварлик, умумбашарий қадриятлар қоидаларига амал қилади. Инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, унинг табиат билан уйғун равишда ўзаро алоқаси — ҳозирги дунёдаги тараққиётнинг асосий кўрсаткичларидир;

— хилма-хил кўринишлардаги — ижтимоий ва шахсий, иқтисодий ва сиёсий, ақлий ва маънавий кўринишлардаги демократия ва эркинлик қоидаларига амал қилади. Эркинликни фуқаролар масъулиятидан ажратиб бўлмайди ва фуқаролар жамиятини ҳамда халқ ҳокимиятига таянувчи ҳуқуқий давлатни қарор топтирмай тасаввур этиб бўлмайди;

— ижтимоий адолат қоидаларига амал қилади. Меҳнат ва истеъдодга тўла қимматли ҳақ тўланиши ишлаб чиқаришдаги, илм-фандаги, маданиятдаги тараққиётнинг зарур шартидир. Моддий неъматлар ва маънавий бойликлар бунёдкорларининг мусобақаси, тадбиркорлиги ва ташаббуси фуқароларга бериладиган ижтимоий кафолотлар билан ижтимоий ночор табақалар тўғрисида жамиятнинг алоҳида ғамхўрлиги билан узвий равишда бирга қўшилиши лозим;

— ватанпарварлик ва байналмилалчилик қоидаларига амал қилади. Барча халқларнинг тенг ҳуқуқли ривожланиши, Иттифоқни мустақил давлатларнинг ихтиёрий федератив бирлашмаси тарзида янгилаш — давлат қудрати ва равнақининг асосидир;

— мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига бирлаштириш, барча мамлакатларнинг амалий ўзаро алоқалари, ягона иқтисодий, ахборий ва маданий маконни шакллантириш манфаатларига амал қилади.

Партиямизнинг мана шу қоидаларга содиқлиги — босиб ўтилган йўлни идрок этишнинг, янги тарихий вазиятнинг натижасидир.

II. Тарих сабоқлари

Биз тарих тажрибасини ундаги бутун зиддиятлар билан бирга баҳолар эканмиз ўтмишни ҳаддан ташқари бўрттирмаймиз, аммо ундан воз ҳам кечмаймиз.

Россия социал-демократияси XX аср бўсағасида мамлакатдаги ва дунёдаги зиддиятлар ҳаддан ташқари кескинлашган вазиятда сиёсий курашга қўшилди. Партиямизнинг биринчи дастури Ленин билан Плехановнинг ҳал қилувчи иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, у демократик ва социалистик вазифаларнинг чамбарчас боғлиқлигига, Россияни тез ва самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиқиш муддаосига асосланган эди.

Октябрь социалистик инқилоби жаҳон тарихининг буюк воқеаларидан бири бўлди. У оммани манфаатларига ва ижтимоий тоқатсизлигига монанд халқ инқилоби бўлган эди. Партия таклиф этган мамлакатни умуммиллий фалокатдан қутқариш дастурини халқ қўллаб-қувватлади. Партиянинг дастурида жаҳон урушини тўхтатиш, ерни деҳқонларга, завод ва фабрикаларни ишчиларга бепул олиб бериш, табақачиликка асосланган тузумни ундаги имтиёзлар билан бирга тугатиш, ўша давр учун мисли кўрилмаган ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларни жорий этиш, миллий тенгликни эълон қилиш кўзда тутилган эди.

Меҳнаткашлар тез орада мукаммал ва одилона социалистик жамият барпо этиш мумкинлигига астойдил ишондилар, шу йўлда қурбонлар ва маҳрумликлардан қайтмадилар. Бу кураш совет кишилари неча-неча авлодлари, миллионлаб коммунистлар ҳаётининг маъноси бўлиб қолди. Улар жуда мураккаб тарихий шароитда фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида мамлакат бутунлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, уни қудратли давлатлардан бирига айлантирдилар, фашизмни тор-мор қилишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар, қонотга йўл очдилар, илм-фан, техника, маданиятнинг кўп соҳаларида улкан муваффақиятга эришдилар.

Совет даври жаҳон иқтисодий, ижтимоий тараққиётига, миллий озодлик ҳаракатига жуда чуқур таъсир ўтказди. Инқилобий тажрибамизнинг, ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларимизнинг жаҳоншумул аҳамияти шак-шубҳасиз. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди.

Бироқ жамиятимизнинг фожиаси шундан иборат бўлдики, хатоларга йўл қўйилиб, бедодликлар қилиниб, социализм ва халқ ҳокимияти қоидалари қўпол сохталаштирилганлиги оқибатида социализм қуриш соҳасида бошланган иш ҳаддан ташқари қалбакилашиб ва оғирлаштириб юборилди.

Ленининг янги иқтисодий сиёсати (НЭП) кўп шакллилик орқали социализм сари ҳаракат қилиш, турли ижтимоий табақаларнинг манфаатларини бирга қўшиш, энг ривожланган мамлакатларнинг ютуқларини ўзлаштириш имкониятини очди, аммо сталинча раҳбарият бу сиёсатни тўхтатиб, бир чекка йиғиштириб қўйди.

Кўп шакллилик ва бозор муносабатлари ўрнини давлат мулкчилиги ва маъмурий-тақсимлаш тизимининг ҳокимлиги эгаллади. Моддий рағбатлантириш қоидаси ўрнини тенгсизлик ва эгасизлик олди. Фуқароларнинг тинчлиги ва ҳамкорлиги сиёсати синфий курашни кескинлаштириш ҳақидаги йўл-йўриқ билан алмаштирилди. Демократик тартиб-қоидаларни ривожлантириш ўрнига мажбур қилиш ва қатағон усулларидан тобора кенг фойдаланилди.

Партия-давлат бюрократиясининг сиёсий тўла ҳокимлиги, демократияга ва ошкораликка чидамсизлик, марксизмни бачаналаштирувчи мафкуравий буйруқбозлик халқнинг бунёдкорлик ғайрат-шижоатини бўғиб қўйди. Шу тариқа ҳақиқатда тоталитар тизими, «казарма» социализми йўли танлаб олинди.

Миллион-миллион кишиларнинг, бутун-бутун халқларнинг бошига қирғин солган, тақдирини мажруҳ қилган сталинчилик жиноятларини КПСС сўзсиз қоралайди. Булар асло оқланмайди ва оқланиши мумкин ҳам эмас. Партиядаги ва давлатдаги ҳокимиятни босиб олган раҳбарларнинг сиёсатига қарши кўпгина коммунистлар ўша йиллардаёқ норозилик билдирган эдилар. Аммо улардан халқ душманлари сифатида ўч олинди. Партиянинг анчагина қисми қириб ташланди. Ўша давр коммунистларининг фожиаси шундан иборатки, улар тоталитар диктатурага тўсқинлик қила олмадилар, бу диктатура эса мамлакат учун оғир оқибатларга олиб келди, социализм ғояларини обрўсизлантирди.

Тоталитар тизим хукмронлик қилган ўн йилликлар мобайнида партия кўп жиҳатдан жамиятни ўта марказлаштирилган маъмурий идора қилиш воситасига айлантирилди. Бу эса ички партиявий муносабатларнинг бюрократлашувига, партия аппаратининг ҳокимият ва бошқарув тузилмалари билан бирикиб кетишига олиб келди. Ижтимоий тараққиёт жараёнларини холисона таҳлил этиш, оддий коммунистларнинг ҳақиқий ва самарали сиёсатни ишлаб чиқишга таъсир ўтказиш имконияти ҳаддан ташқари камайтириб юборилди.

Бу — партия учун оғир сабоқ бўлиб, ҳар қандай вазиятда ҳам коммунистлар социализм билан демократиянинг чамбарчас боғлиқлиги қоидасидан чекинмасликлари, эълон қилинган мақсадларни одамларнинг ҳақиқий иқтисодий ва ижтимоий манфаатларидан ажратиб қўймасликлари кераклигини эслатиб турибди.

КПСС XX съезди мамлакат ва партия тарихида воқеа бўлди. У катта умидлар уйғотди. Оммавий қатағонлар қораланди, тоталитар режимнинг кўпгина жиҳатларидан воз кечилди, иқтисодий турмушнинг янги шаклларини излаш, ижтимоий вазифаларни амалга ошириш бошланди.

Бироқ бошланган ўзгартишлар ривожлантирилмади. Ижтимоий тизимнинг бузилиш сабаблари ва шакли-шамойили тушуниб олинмади, бу эса КПССнинг учинчи Дастурида таърифланган истиқболларни белгилашда қўпол хатоларни келтириб чиқарди. Ҳокимият ва бошқарув тизимида буйруқбозлик-бюрократик усуллар хукмронлик қилаверди. Охир оқибатда — бу нарса жамиятда теран демократик ўзгартишларни ўтказишга имкон бермади. Иқтисодиётда, ҳуқуқий ва сиёсий соҳаларда жузъий ўзгартишлар билан чекланишга интилиш устунлик қилди.

«Совуқ уруш» ва Ғарбдаги етакчи давлатлар билан қуролланиш пойгасидаги рақобат иқтисодиётнинг силласини қуритди, ижтимоий соҳанинг ривожланишига йўл бермади. Саноати ривожланган мамлакатлар тез илгари силжиган бир шароитда шундай бўлди. Ўша мамлакатлар технология соҳасидаги инқилобга биздан барвақтроқ қўшила олдилар, аҳолининг фаровонлигини сезиларли даражада оширишни таъминладилар. Жамият тарихий ташаббусни қўлдан бой берди, сурункали инқирозга дучор бўлди.

Шу даврнинг тарихий сабоғи қуйидагича: йирик ижтимоий ўзгартишлар инсоннинг манфаатларидан ва турмушнинг энг зарур эҳтиёжларидан келиб чиқиши, ўз вақтида ва кенг қамровли тарзда ўтказилиши, социалистик ижтимоий тузумни доимо ривожланишда тасаввур этишга асосланиши, халқнинг жонли ижодига таянниши лозим. Партияда партиялилар оммасининг партия раҳбарияти фаолиятини назорат қилиш, унинг аппарати бюрократлашувига қаршилик кўрсатиш, ижтимоий тараққиётнинг амалий тамойилларини аниқлаш, ўзгариб борувчи шароитга қараб ўз вақтида тадбир кўриш доимий омиллари ишлаб чиқилиши керак.

Тарихимизнинг бутун борицци қайта қуришни ҳаётий зарурат қилиб қўйди. КПССнинг ташаббуси билан мамлакатда теран ўзгаришлар бошланди. Ошкоралик фикрларнинг хилма-хиллигига, маънавий-эркинликка йўл очди. Сиёсий тизим демократик негизларда ислоҳ қилинмоқда. Мулкчилик муносабатлари ўзгартирилмоқда. Ўта марказлаштирилган давлатдан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига ва ихтиёрий бирлашишига асосланган Иттифоққа ўтиш жараёни давом этмоқда.

Янги сиёсий тафаккурнинг туғилиши, халқаро муносабатлар ривожидаги сифат жиҳатдан янги давр ҳам қайта қуриш билан боғланган. Ҳақиқий қуролсизланиш ва ялпи хавфсизлик тузилмаларини вужудга келтириш, «совуқ уруш»ни тўхтатиш, кўпроқ халқаро барқарорлик сари йўл очилди.

КПСС қайта қуриш туфайли юзага келган ижобий тамойиллар янада ривож топишига интилади.

Ўзгартишлар жараёни аввал бошда тасаввур этилганидан кўра анча қийинроқ бўлиб чиқди. Бу ўтмишнинг оғир мероси оқибатигина бўлиб қолмай, етилган муаммоларни ҳал этишдаги янглишишлар, кечикишларнинг ҳам оқибатидир. Халққа ёқмайдиган, шафқатсиз чоратадбирларни кечиктириш ёки уларга умуман йўл қўймаслик муддаосидан келиб чиққан иккиланишлар ва муросасозликлар вазиятни фақат мушкуллаштирди. Инерция кучига, ўзгартишларга қаршилиқ кўрсатишга етарли баҳо берилмади. Бошқариш ва режалаштиришнинг эски воситалари иш бермай қўйган, янги воситаларни шакллантириш эса ҳаддан ташқари пайсалга солинган бир шароитда кўпгина жараёнлар стихияли тус олди. Хўжалик-ишлаб чиқариш алоқалари узилди, иқтисодиётда пинҳона тузилмалар зўрайди, пулнинг қадрсизланиши кучайди, аҳоли кўпгина табақаларининг турмуш даражаси пасайди. Ҳокимият органларига ишонч камайди, марказдан қочирма тамойиллар кучайди. Катта миллатлараро можаролар юз берди. Инқироздан тезроқ чиқишнинг иложи бўлмади. Ана шуларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг бир қисмини партиядан четлаштирди, уларни бошқа сиёсий ҳаракатлардан таянч излашга мажбур этди. Мамлакат турли сиёсий кучларнинг можароли ўзаро муносабатлари таъсири остида ривожлана бошлади, бу эса инқироз ҳолатларини кескинлаштирди.

Мана шу қалтис маррада меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб жамиятни теран демократик ўзгартиш йўлини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, барча тараққипарвар кучларни жипслаштиришга эришиш ҳаётий заруратдир.

III. Яқин вақтдаги мақсадларимиз

Партия 90-йилларга мўлжалланган ўз дастурини белгилар экан, совет жамияти ҳаракатчан ҳолатда турганини, иқтисодий ва ижтимоий турмуш шакллари ўзгариб бораётганини, янги сиёсий тартиб-қоидалар вужудга келаётганини, ижтимоий онгда туб ўзгаришлар рўй бераётганини эътиборга олмоқда. Мана шундай шароитда жамиятнинг куч-ғайрати аввало энг муҳим вазифаларни ҳал этишга: кўп миллатли Иттифоқ давлати ва яхлит хўжалик организми барбод бўлишининг олдини олишга; истеъмол бозорини барқарорлаштиришга; ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилиши лозим. Бунга демократияни йиғиштириб қўйиш ва тоталитаризмга қайтиш йўли билан эмас, балки бошланган демократик ислоҳотларни янада зўр ғайрат ва изчил амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин ва лозим.

КПСС қуйидаги мақсадларга эришиш учун ҳаракат қилади:

Сиёсий тизимда

Мустақил республикаларнинг чинакам демократик федерацияси бўлмиш кўп миллатли совет давлатини ривожлантириш;

ҳуқуқий давлатни барпо этиш, демократик тартиб-қоидаларни: давлат тузулишининг негизи бўлмиш Советлар тизимини, халқ ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш, жамият барча табақаларининг манфаатлари сиёсий вакиллиги идораларини ривожлантириш; қонун чиқарувчи, ижрочи ва судлов ҳокимиятини бир-биридан ажратиш;

бутун мамлакат худудида СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириб олиш; фуқароларнинг касб-кор бирлашмаларида, турли сиёсий партияларда ва жамоат ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш. Давлат идораларининг Конституция ва қонунлар талабларига мувофиқ иш кўрувчи жамоат тузилмаларининг фаолиятига аралашувидан воз кечиш;

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга оғишмай риоя этиш; жиноятчиликни таг-томири билан тугатиш, пинҳона иқтисодиётга қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини ва уларнинг мол-мулкини, давлат ва жамоат турмушининг конституциявий негизларини ҳимоя қилиш; ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш.

Миллий муносабатлар соҳасида

Барча одамларнинг миллатидан ва яшаш жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги; инсон ҳуқуқлари сўзсиз устивор бўлган шароитда барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркин ривожланиши;

халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий қадр-қимматни қарор топтириш, она тилини ва маданиятни, халқ урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқи;

изчил байналмилалчилик, мустақил давлатларнинг янгиланган федерациясидаги халқларнинг кўп миллатли ҳамжамиятини мустаҳкамлаш, республикаларнинг, ҳамма турдаги миллий мухториятларнинг мустақиллигини амалда тўлдириш;

кам сонли халқларнинг, миллий гуруҳларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар турмушини анъанавий шаклига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қатағонларга учраган ва зўрлаб кўчирилган халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш, мана шу зўравонлик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш;

қонун, ижтимоий мулоқот, фуқароларнинг ва миллатларнинг тотувлиги асосида миллий муносабатларни соғломлаштириш ва миллатлараро можароларни бартараф этиш;

аҳолининг ноилож ликдан кўчишининг олдини олиш, қочоқлар учун ҳуқуқий мақом жорий этиш, уларга зарур ёрдам бериш;

миллий экстремизм, шовинизм, ирқчилик, фуқароларнинг миллатига ёки тилига, туғилиш ёки яшаш жойига қараб камситишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш;

Иқтисодиёт соҳасида

Халқ хўжалигининг ички тузилишини қайта қуриш, уни истеъмолчига йўналтириш;

юксак технологиялар негизида саноатни, қурилишни, транспорт ва алоқани модернизациялаш, жаҳон фан-техника даражасидан орқада қолишга барҳам бериш, ҳарбий ишлаб чиқаришни пухта ўйлаб конверсиялаш;

мулкчиликнинг турли шакллари — давлат, жамоа ва хусусий, акционерлик ва кооператив мулкчилиги хилма-хиллигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган аралаш иқтисодиётга ўтиш. Меҳнат жамоаларининг мулки қарор топишига, ижтимоий мулк шаклларини устун равишда ривожлантиришга фаол кўмаклашиш;

иқтисодиёт самарадорлигини ўстиришни рағбатлантириш, ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқ фаровонлигини кўтариш воситаси сифатида бошқариладиган бозор хўжалигини шакллантириш. Бу аҳолининг муҳтож гуруҳларига давлат дотацияларини бериб, нархни эркин белгилашни, яккаҳокимликка қарши фаол сиёсат ўтказишни, молиявий тизимни соғломлаштиришни, пулнинг қадрсизланишини бартараф этишни, сўмнинг бемалол алмаштириладиган бўлишига эришишни назарда тутади;

замонавий деҳқончилик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; хўжалик юритишнинг давлат, жамоа ва хусусий шаклларини бемалол ривожлантириш, деҳқонларга нисбатан ҳар қандай зўравонликни йўқ қилиш; ерда самарали меҳнат қилишга бел боғлаган ва шундай қилиш қобилиятига эга бўлган ҳаммага ер бериш (шу жумладан мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага ер бериш); деҳқончилик-саноат соҳасига давлат йўли билан мадад бериш, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, саноат билан қишлоқ хўжалигининг маҳсулотини айирбошлаганда эквивалентликка ва нархнинг тенглигига эришиш;

мамлакатни жаҳон иқтисодиётига ҳар томонлама қўшиш, уни совет жамиятининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти манфаатларини кўзлаб жаҳон хўжалик алоқаларига кенг миқёсда бирлаштириш.

Ижтимоий соҳада

Иқтисодиётдаги таназзулни бартараф этишга, бозор муносабатларига ўтишга алоқадор бўлган муқаррар қийинчиликлар ва камчиликларни имкони борича камайтиришга ёрдам берадиган давлат сиёсатини ўтказиш;

даромадларнинг меҳнат улушига мувофиқлиги, ошиб борувчи солиқ солиш ва индекслаш орқали даромадларни тартибга солиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнаткашларнинг самарали ишлаши учун тенг шароит яратиш;

ишсизликнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, янги иш жойларини вужудга келтириш, кадрларни қайта тайёрлашни ва уларга янги касбларни ўргатишни ташкил этиш;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш; нафақа тизимини такомиллаштириш;

уй-жой қурилиши режаларини амалга ошириш, якка тартибда ва кооператив усулда уй-жой қурилишига қарз беришни кўпайтириш, аҳолининг кам даромадли тоифаларига уй-жойни сақлаш учун нафақалар жорий этиш; касалликларнинг имкони борича олдини олишни таъминлайдиган ва барча фуқароларга бепул даволаш имкониятини кафолатини берадиган соғлиқни сақлашни ривожлантириш;

экология фалокатига тойиб кетишнинг олдини олиш, Байкал, Орол денгизи, бошқа экологик қулфат зоналари муаммоларини ҳал қилиш, Чернобиль фалокатининг оқибатларини тугатишни давом эттириш.

Маориф, фан ва маданият соҳаларида

Халқни маънавий жиҳатдан камол топтириш, ҳар бир кишининг маълумоти ва маданиятини ошириш, маънавийликни, инсоний бурч ва масъулият, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш;

миллий даромаднинг маориф, фан ва маданиятга сарфланадиган улушини кўпайтириш; маънавий фаолиятни ёппасига тижоратлаштиришга қарши туриш;

бепул таълим тизимини сақлаб қолиш; йигит ва қизларга турмушга қадам қўйиш, касб-кор ва маданий жиҳатдан ўсиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш учун зарур ва тенг илк шароитларни таъминлаб бериш, истеъдодли ёшларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш;

фундаментал ва амалий тадқиқотларни ҳар томонлама ривожлантириб, совет фанининг имкониятларини рўёбга чиқариш, жаҳон фани билан кўп томонлама ҳамкорлик қилиш; илмий фаолиятни ташкил қилишни тубдан ислоҳ қилиш; илмий мактаблар ва йўналишларнинг эркин рақобати; ихтиролар, кашфиётлар ва техникавий такомиллаштиришлар муаллифларини муносиб мукофотлаш;

мамлакат халқларининг маданий меросини ардоқлаб-асраш ва бойитиш; санъаткорнинг жамият олдидаги маънавий масъулияти билан уйғунлашадиган ижод эркинлиги, фуқароларни ғайриинсоний ғоялар, зўрлик ва ахлоқсизлик тарғиботидан ҳимоя қилиш;

ақлий меҳнат ходимларининг ижтимоий мақомини, зиёлилар — муҳандислар, шифокорлар, ўқитувчилар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, маданият муассасалари ходимларининг моддий таъминот даражасини ошириш:

(Давоми учинчи бетда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ДАСТУРИ

СОЦИАЛИЗМ, ДЕМОКРАТИЯ, ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Мамлакат хавфсизлиги ва мудофааси

Давлатнинг пишиқ-пухта мудофаа қобилиятини сақлаб туриш; ўзаро боғлиқ мудофаа, сиёсий, иқтисодий ва экологик чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган янги ҳарбий доктринани турмушга татбиқ этиш;

ССР Иттифоқи ягона кўп миллатли Қуролли Кучларини, марказлаштирилган ҳарбий раҳбарликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш;

Мудофаа учун етарлилик қоидасига мувофиқ Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, Армия ва флотни профессионал ҳарбий хизмат билан ҳарбий мажбуриятни бирга қўшиш асосида шакллантиришга ўтиш; ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини, ҳақиқий ҳарбий хизматдан заҳирага ёки истеъфога бўшатилган кишиларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш; муқобил хизмат имконияти;

ғайриконституциявий қуролли тузилмаларни вужудга келтиришга йўл қўймаслик;

қўшинларни Совет Иттифоқига қарши ҳар қандай тажовузни даф қиладиган тарзда жанговар шай ҳолатда сақлаш учун зарур миқдорда қурол-яроғлар ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш; қурол-яроғларни АҚШ ва бошқа давлатлар билан тенг миқдорда қисқартириш, ядровий, химиявий, биологик қуролларни ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тугатиш йўлини давом эттириш;

Совет Армиясининг обрў-эътиборини, Ватан ҳимоячиларига анъанавий ҳурматни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва мудофаани мустаҳкамлаш учун эришилган ҳамма нарсаларни ардоқлаб асраш, фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Халқаро сиёсатда

Давлатлараро муносабатларни янги сиёсий тафаккурга мувофиқ ривожлантириш, ялпи хавфсизликнинг пухта тизимини шакллантириш, давлатлараро ва миллатлараро зиддиятларни зўрлик билан эмас, балки сиёсий усуллар ёрдамида эришиладиган иноқлик билан бартараф этиш;

ССР Иттифоқининг, мустақил республикаларнинг барча қитъалардаги мамлакатлар билан, уларнинг уюшмалари ва ҳамжамиятлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

умумевропа жараёнида, Осиё-Тинч океан минтақасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда ташаббус билан қатнашиш;

халқаро ташкилотлар, аввало БМТ фаолиятида фаол иштирок этиш; инсоният олдида турган ялпи муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжиҳатликни ривожлантириш;

чет эл коммунистик ва социалистик партиялари билан, бошқа тараққийпарвар жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан тинчлик, хавфсизлик, маҳаллий барқарорлик йўлидаги курашда куч-ғайратларни бирлаштириш учун ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш.

Фаолиятнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлари ва йўналишларини партия жамиятнинг илғари силжиши давомида тўлдирилиши ва бойитилиши мумкин бўлган ҳаракат дастури деб билади.

Режалаштирилган мақсадлар амалда рўёбга чиқарилган сайин инсонлар, демократик социализм жамияти таркиб топа боради. Бу жамиятга:

— халқ фаровонлигини оширишни кўзлайдиган илмий ва технологик тараққиёт учун кенг имкониятларга эга бўлган аралаш иқтисодиёт;

— иқтисодий самарадорликни ижтимоий адолат қоидалари, меҳнат натижаларига қараб тақсимлаш ва фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш билан бирга қўшиш;

— фуқаролар жамияти, сиёсий ва ғоявий фикрларнинг хилма-хиллиги, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш имконияти, уларнинг ҳамкорлиги;

— ваколатли ва бевосита демократия шаклларида амалга ошириладиган ҳақиқий халқ ҳокимияти, қонунларнинг устунлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари;

— инсонпарварлик олий мақсадларига ва умумбашарий қадриятларга йўналтирилган илм-фан, маориф ва маданият, уларнинг ютуқларидан ҳамманинг бахраманд бўла олиши асос бўлади.

Инсонпарвар, демократик социализмнинг қиёфасини биз мана шундай тасаввур этамиз. Эксплуатациядан, ҳамма турдаги ижтимоий зулмдан ҳалос бўлган, ўз қобилиятларини ривожлантириш ва намоён этиш, хилма-хил эҳтиёжларни қондириш учун тўла фуқаролик ҳуқуқларини ҳамда кенг имкониятларни олган инсон бу жамиятнинг мақсади ва марказидир.

IV. Партия кимларнинг манфаатларини ифодалайди

Партиямизга ишчилар синфининг сиёсий ташкилоти сифатида асос солинган эди. У жамиятни барча меҳнаткашлар манфаатлари йўлида инқилобий ўзгартириш мумкинлигини пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб кураш олиб бориши билан боғлади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, илм-фан-техника инқилоби жамиятнинг ижтимоий тузилишига туб ўзгаришлар киритди. Илм-фан ва маданиятда, техникада ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда, маориф ва соғлиқни сақлашда, бошқарув ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар салмоғи кескин даражада ошди. Меҳнаткашлар турли табақалари манфаатларининг чамбарчас чатишиб кетганлиги яққол кўриниб турибди.

Бу туб ўзгаришларни тан олмаслик — партияни сиёсий жиҳатдан яккаланиб қолишга ва мағлубиятга маҳкум қилиш демакдир. Партия бутун меҳнат аҳлининг манфаатларини изчиллик билан ифодалаб ва ҳимоя қилибгина ўз дастурий мақсадлари амалга оширилишига умид қилиши мумкин.

Биз меҳнаткашлар учун энг муҳим муаммоларни ҳал қилишга интилмаймиз, балки уларнинг асосли талаблари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, оммавий ташаббускор ҳаракатлар билан ҳамкорлик қиламиз, ижтимоий тараққиёт учун кенг ва хилма-хил демократик ҳаракатларни жипслаштириб, уларни сиёсий жиҳатдан маърифатли қилишга ва ташкил этишга кўмаклашамиз.

Биз ишчилар ҳаракати билан баҳамжиҳат иш олиб бориб, касаба уюшмалари билан биргаликда ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қиламиз, барча даражадаги ҳокимият идораларида ишчилар синфининг муносиб вакиллари бўлишига, меҳнат жамоаларининг корхоналарга эгалик қилиш ва ўз меҳнати натижаларини тасарруф этиш ҳуқуқи учун; айниқса, бозорга ўтиш босқичида ижтимоий ҳимоянинг ишончли тизимига эришишга, ишлаб чиқаришнинг ички тузилишини ўзгартириш ва янгилашга, мудофаа саноати конверсия қилинишига; меҳнат шароити яхшиланишига, хотин-қизларни улар саломатлиги учун зарарли ишлаб чиқаришдан озод қилишга, шахтёрлар, нефтчилар, металлурглар, қурувчилар, саноат базавий тармоқларининг бошқа ходимлари, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи одамлар, мураккаб шароитда ишлаётган, янги ҳудудларни ўзлаштираётган, уйидан, оиласидан узоқ ажралиб қолган одамларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ҳисобга олинишига эришиш учун курашаверамиз.

Биз қишлоқ меҳнатчилари ташкилотлари билан биргаликда деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилаверамиз, деҳқонлар эркин танлаб олган мулкчилик ва хўжалиқ юритиш шаклларини ҳурмат қиламиз; қишлоқда замонавий меҳнат ва турмуш шароитларини вужудга келтиришга, ижтимоий ёрдамчи тармоқларни ривожлантиришга, қишлоқ аҳолиси ўзини-ўзи бошқаришига, ҳокимият органларида уларнинг тўла ҳуқуқли вакиллари бўлишига фаол кўмаклашаверамиз; деҳқонлар турмуш тарзининг энг яхши анъаналари тикланишига, деҳқонлар маънавияти ривожлантирилишига ёрдам бераверамиз.

Биз ижодий уюшмалар ва илмий-техникавий жамиятлар билан ҳамкорликда зиёлиларнинг манфаатларини ҳимоя қиламиз, ақлий меҳнат ижтимоий мақоми ва баҳоси оширилишига эришамиз; олимлар, инженерлар ва конструкторларнинг, адабиёт ва санъат арбобларининг мафкуравий ва маъмурий зўравонликдан ҳоли бўлган ижодий изланишларига кўмаклашаверамиз; муаллимлар ва шифокорлар, давлат хизматида ва ижтимоий бошқарув соҳаларида банд бўлган шахслар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўланишига ва уларнинг меҳнати жамият томонидан юксак баҳоланишига эришаверамиз.

Биз турмушнинг барча соҳаларида, жумладан бошқарув соҳасида хотин-қизларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиги қарор топиши тарафдоримиз. Хотин-қизлар ташкилотлари билан биргаликда аёлларнинг оилада, касб билан боғлиқ ва ижтимоий фаолиятда ўзини кўрсатишига имкон берадиган йўлни эркин танлаб олишини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашаверамиз. КПСС давлат сиёсатини жамиятда оила мавқеини, ота-оналар обрўсини оширишга, болаларни тарбиялаш учун қулай иқтисодий ижтимоий ва маънавий-ахлоқий шарт-шароитларни яратишга қаратиш учун ҳаракат қилаверади.

Биз комсомол, талабалар ва бошқа ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларга доир кенг ва самарали давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этаверамиз; ҳокимият ва бошқарувнинг барча муассасаларида ёш ишчилар, деҳқонлар, талабалар ва ўқувчилар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилаверамиз.

Биз кекса авлодга мансуб кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари манфаатлари йўлида жамоат — давлатнинг ҳар томонлама дастурларини амалга ошириш, яшаш учун зарур бўлган маблағнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган пенсиялар ва нафақалар бериш кафолатланиши, уларнинг саломатлиги, турмуши ва баҳоли қудрат меҳнати тўғрисида ғамхўрлик қиладиган ижтимоий хизматларни кенгайтириш, жамиятда катталарга ҳурмат ва эътибор муҳитини вужудга келтириш тарафдоримиз.

Биз хайрия жамиятлари ва жамғармалари билан биргаликда аҳолининг энг нозик табақалари: болалар, айниқса, кам таъминланган оилалардаги ва етим болалар; болали ёлғиз аёллар; ногиронлар давлат ва жамият томонидан самарали ҳимоя қилинишига, уларда меъёрий турмуш шароити ва ижтимоий ишга баҳолиқудрат ҳисса қўшиш имконияти бўлишига эришаверамиз.

Бизнинг ижтимоий устуворликларимиз ана шундайдир. Биз меҳнаткашлар кенг табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилар эканмиз, ижтимоий ва касб белгиларига қараб ҳар қандай камситишни рад этамиз. Партия хусусий ишбилармонларнинг қонунга асосланган фойдали фаолияти ва ишбилармонлик соҳасидаги фаоллигига ижобий муносабатда бўлади.

Биз миллий белгисига қараб ҳар қандай камситишни қатъий рад этамиз, байналмилаллик, мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни қаттиқ туриб ҳимоя қиларамиз.

Биз барча фуқароларнинг виждон эркинлиги тарафдоримиз. Партия динга ишонувчиларнинг ҳис-туйғуларига ҳурмат билан қарайди. У диндан сиёсий мақсадларда, миллатлараро можароларни келтириб чиқариш учун, шахснинг дунёқарашига тоқатсизлик, турли динлар тарафдорлари ўртасида, шунингдек динга ишонувчилар, ишонмайдиганлар ва дахрийлар ўртасида душманлик ва нафратни келтириб чиқариш учун фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Бизнинг партиямиз Совет давлати қонунларига мувофиқ яшаётган барча ижтимоий табақалар ва айрим фуқаролар билан кенг ҳамкорлик қилиш учун очиқдир. Биз кенг ижтимоий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ҳимоя қилар эканмиз фақат давлатга ва жамиятга қарши фаолият йўлига, иқтисодий жиноятлар ва порага учиш йўлига ўтиб олганларга қарши; ирқчиликни, шовинизмни, миллий экстремизмни ва бошқа башариятга қарши ғояларни тарғиб қилувчиларга қарши; сиёсий курашда зўравонлик воситаларига асосланувчиларга қарши иш олиб борамиз. Биз ашаддий ғайрикоммунизмга сиёсий экстремизм ва демократияни рад этишнинг жамият тақдири учун энг хавфли шакли, деб қарши чиқамиз.

Партия жамиятдаги кенг меҳнатчилар табақаларининг манфаатларини ифодалаб, халқ учун муштарак вазифалар ҳал этилишига ҳам эришаверади, бунингсиз ҳеч кимнинг фаровонлигига эришиб бўлмайди. Партия давлатчилигимизни ривожлантиришни, жамиятни демократик ислоҳ қилишни ва тинчликни таъминлашга ҳамда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига қаратилган самарали ташқи сиёсатни фуқаролар тотувлиги учун асосни ташкил этувчи ягона умуммиллий манфаат деб билади.

V. Сиёсий ҳаракатлар партияси учун

Янги вазифаларни фақат тубдан янгиланган партия — сиёсий ҳаракатлар партиясигина муваффақиятли ҳал қила олишини коммунистлар яхши англайдилар. Жамиятда бундай партиянинг мавқеи халққа яқин ва тушунарли бўлган, унда ишонч туғдирадиган ва мададига сазовор бўладиган чинакам сиёсатни ишлаб чиқа олиши ва амалга оширишига қараб белгиланади. Унинг таъсири ва обрўси партиялилар оммаси ғоявий бирлиги, ташаббускорлиги ва фаоллигига, ҳар бир коммунистнинг уюшқоқлиги, онгли интизоми ва ахлоқий жиҳатдан тутган мавқеига бевосита боғлиқдир.

Ғоявий-назарий бойликларни узлуксиз кўпайтириб бориш, жамият тараққиёти замонавий тамойилларини ижодий таҳлил этиш, турғунликка ва бир жойда депсиниб туришга маҳкум этувчи эски ақидалар ва сийқаликлардан воз кечиш партия учун ҳаётий заруратдир.

Партия ўз ғояларини кенг тарғиб қилиш йўли билан, меҳнат жамоаларида ва истиқомат жойларида иш олиб бориш орқали, демократик сайловларда иштирок этиш орқали, ҳокимият идораларидаги ўз вакиллари, касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали ўз дастурий мақсадларини амалга оширишга эришаверади.

Партияни чуқур демократиялаш — уни янгилашнинг энг муҳим йўналишидир. Бу эса КПСС таркибига кирувчи республика партиялари мустақиллигини, маҳаллий ва бошланғич ташкилотлар ташаббускорлиги учун кенг имкон беришни тақозо этади. Улар сиёсий ҳаракатларининг бирлиги барча коммунистларнинг КПСС Дастури қоидаларига содиқлигига, партия Устави талабларини, умумпартиявий қарорларни бажаришга асосланади. Турли партия ташкилотлари иш олиб бораётган хилма-хил шароитларни ҳисобга олиб, улар аниқ вазиятда ҳаракат қилиш тактикасини мустақил белгилайдилар.

КПССни демократиялаш партия ташкилий тузилмаларининг ўзгарувчан шаклларини, коммунистларнинг самарали ҳаракат қилишга, партия барча бўғинлари кучини ҳокимият органларига сайловга тайёргарлик чоғида, референдумлар ўтказишда ва бошқа сиёсий кампанияларда бир йўналишга қаратишга имкон берадиган доимий ва вақтинчалик бирлашмаларини кўзда тутади.

Партияни янгилаш жараёнида коммунистлар фикрларини, барча даражаларда қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, раҳбар органлар ишини назорат қилишда уларнинг иштирокини таҳлил этишнинг доимий ишлаб турадиган воситаларини вужудга келтириш ва такомиллаштириш зарур. Сиёсий мунозаралар, партия платформалари теварагида эркин бирлашиш, озчилик ҳуқуқларининг кафолати демократиялаш мақсадларига кўмаклашади.

Партия аъзоси ўз билимлари ва қобилиятларига энг кўп даражада мос келадиган партиявий фаолият соҳасини эркин танлаб олиши мумкин. У партия ва жамият турмушининг ҳар қандай масалалари хусусида ўзи тутган йўлни ошкора айтиш; КПСС сиёсатини шакллантиришда бевосита қатнашиш, даҳрийлик эътиқодларига амал қилиш ёки динга ишониш ҳуқуқига эгадир. Коммунистларнинг ҳуқуқлари уларнинг бурчларидан ажралмасдир. Коммунистлар партия ташкилотларидан бири ишида қатнашади, бошқача айтганда унинг сиёсий йўлини ўтказади, аъзолик бадалларини тўлайди, унга моддий мадад беради. Партия коммунистларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари Конституция йўли билан ҳимоя қилиниши учун курашади, уларга сиёсий, моддий ва маънавий воситалар билан ўртоқларча мадад беради. Партия ташкилотларида ўртоқлик ва жамоатчилик, бой ақлий-ирок ва маънавий турмуш муҳитини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир коммунист шахсининг ривожланишига, ғоявий эътиқодининг қарор топишига ёрдам бермоқ керак.

Биз КПССга хайрихоҳ бўлган ва у билан турли шаклларда ҳамкорлик қилишга тайёр турган фуқароларни табриклаймиз.

Биз демократик мақсадларимиз ёш авлоднинг кайфияти ва муддаоларига ҳамоҳанг деб умид қиламиз, бу мақсадларга фақат уларнинг фаол манфаатдорлик билан иштирок этиши орқали эришиш мумкин. Партия ёшлар, уларнинг куч-ғайратлари, изланишлари ва ижоди учун очиқдир.

Партиянинг омма орасида олиб борадиган жонли ишлари давомида сиёсий мухолифлар билан баҳс олиб боришга ва ишонтиришга, билимдонлик билан мустақил ҳаракат қилишга, меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи бўлишига лаёқатли моҳир ташкилотчилар етишиб чиқиши лозим. КПСС ана шундай коммунистларни Советларга сайловда, ҳокимият тузилмаларида раҳбарлик лавозимларига, шунингдек партиянинг марказий ва маҳаллий органларига номзод қилиб кўрсатади. Улар ўз обрўларини лавозимлари билан эмас, балки қобилиятлари ва билимлари билан, ғоявий эътиқоди ва маънавий қиёфаси билан мустаҳкамлайдилар. Партияда унинг ходимлари ўз лавозимларидан ғаразли мақсадларда ҳеч қачон фойдаланмаслиги учун, виждонига қарши бирорта сўзни айтмаслиги ҳамда олижаноб мақсадларга эришиш учун қийин курашдан қўрқмаслиги учун кафолатлар ишлаб чиқилиши лозим.

Партияни янгилаш унинг жамиятдаги ўрнини ва давлат билан муносабатларини, сиёсий мақсадларга эришиш воситаларини танлаб олишни тушуниб етишга янгича ёндашувни тақозо этади. Партия фақат қонуний сиёсий усуллар билан ҳаракат қилади. У демократик сайловларда сайловчилар партия сайловолди дастурини, сиёсати ва амалий ҳаракатлари асосий йўналишларини қўллаб-қувватлашига эришиб, депутатлик мандатлари учун курашади. Партия давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларини шакллантиришда қатнашиб, улар орқали ўз сиёсатини ўтказади. Партия демократик ўзгартишлар дастури бажарилиши манфаатларини кўзлаб, бошқа партиялар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, вазият тақозо этган жойларда эса улар билан иттифоқ ва битим тузишга тайёрдир. Коммунист депутатлар озчиликни ташкил этувчи ҳокимият органларида улар амалий мухолифлар жойини эгаллаб, меҳнаткашларнинг манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай камситишга қарши чиқадилар. Коммунист депутатлар бошқа парламент фракциялари билан ҳамкорлик қилиб, бошқа партиялар ва ҳаракатлар бошлаб берган ижобий ташаббусларга кўмаклашадилар.

Партия, унинг ташкилотлари ҳокимиятнинг барча тузилмаларида ўз вакилларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг аниқ қарорлари ва ҳаракатларини ошкора танқид қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Партияни демократиялаш, кенг ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш партия оммавий ахборот воситалари аҳамиятини анча кучайтиришни тақозо этади. Биз матбуот, радио ва телевидениенинг юксак касб-маҳорати ва масъулияти ҳамда холислиги тарафдоримиз.

КПСС ўз аъзоларининг муайян ғоявий қадриятларига содиқлиги асосига қурилади. Улардан биз учун энг муҳими — инсонпарвар, демократик социализм ғоясидир. Биз Маркс, Энгельс, Ленин таълимотининг дастлабки инсонпарварлик қоидаларини қайта тиклаб ва ривожлантириб, Ватанимиз ва жаҳондаги социалистик ҳамда демократик тафаккурнинг бутун бойлигини ғоявий қуролимиз қаторига қўшамиз. Биз коммунизмни тарихий истиқбол, умумбашарий қадриятларга, тараққиёт ва адолатни, шахс ўзини эркин намоён қилишини ўйғун бирлаштиришга асосланган ижтимоий юксак орзу деб биламиз.

✦ ✦ ✦

Ҳозирги шароитда фақат янги жаҳон маърифатини шакллантириш ўзанидагина социалистик ғоялар муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Унинг ўзига хос белгилари, демократизмнинг устунлиги, фаннинг ишлаб чиқаришга узвий қўшилиши, экология жиҳатидан соф технологиялар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг ахборотлар билан боғлиқлиги, янги меҳнат маданияти ва эҳтиёжлар тузилишинг пайдо бўлиши, иқтисодий турмушнинг байналмиллашуви, умумжаҳон хўжалигининг қарор топиши ва халқларнинг кенг маданий алоқалари ҳозироқ кўзга ташланиб қолди. Мана шу йўлда иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатни, одамларнинг фаровонлиги ўсишини, уларнинг турмуши сифати ошишини, маданият бойликлари кўпайишини бир-бирига боғлаб олиб бориш учун қулай имкониятлар вужудга келмоқда.

Бу имкониятлар ҳали воқеликка айлангани йўқ. Ҳақиқий оламда можаролар ва адолатсизликлар кўп, улардан қутилиш осон эмас. Бу имкониятлар ўз-ўзидан юз беришини кутиб бўлмайди. Лекин пайдо бўлган тамойил бир текис бўлмасада, зиддиятли бўлса ҳам, башарият илғор кучларини илҳомлантириб ўзига йўл очиб бормоқда.

Тарихан капитализмнинг асосий марказлари шакллланган, саноати ривожланган мамлакатлар бошқаларга нисбатан олдинроқ технология инқилобига қўшилдилар ва ҳозирнинг ўзидаёқ асосан интенсив ишлаб чиқаришга ўтиб бўлдилар, бу эса уларга кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Шунга қарамай ҳозирги замон капитализми жамият ҳамда инсоннинг ўзининг ўйғун ривожланишини таъминламаяпти. Ғарб маърифатининг шахсиятпарастлик мақсадлари кўпгина ўткир зиддиятларни ҳал этиш учун асос бўлолмайди. Катта ижтимоий фарқлар, ўз муаммоларини бошқа халқлар ҳисобига ҳал этишга уриниш, авторитар ва милитаристик тамойиллар, маънавийлик ва маданият таназзули, аҳоли кенг гуруҳларининг амалда сиёсий турмушда иштирок этишдан четлатиб қўйилганлиги воқелигича қолмоқда. Шу сабабли ижтимоий тараққиёт истиқболлари жаҳондаги барча мамлакатлар маданиятининг, анъаналарининг, аҳволининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб, ижтимоий муаммоларни «ғарбий» қарашлар асосига қуриш мумкин эмас.

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар социализмнинг тарихий тақдирига янгича қараш имконини беради. Социалистик ҳаракат саноат даврида вужудга келди ва асосан ўша вақтдаги жамиятнинг ўткир синфий қарама-қаршиликларини акс эттирган мухолифлик сиёсий маданиятига асосланди. Жаҳоннинг ҳозирги тараққиёти жараёнида вужудга келаётган янги илм-зиё маърифати классик саноат жамияти тўғрисидаги, унинг қарама-қарши синфларга қатъий ажралиши ҳақидаги, меҳнат билан капиталнинг бир-бирига қарама-қаршилиги, ижтимоий тизимларнинг мухолифлиги тўғрисидаги одатдаги тасаввурларга мос келмайди.

XX асрнинг бутун тажрибаси социалистик тамойиллар айрим мамлакатларда ажралиб қолмаганлигидан, балки, жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг жаҳоншумул жараёни эканлигидан, у барча халқлар меҳнати ва маданияти олий ютуқларига таяниб, одамларнинг ижтимоий адолатга, эркинлик ва демократияга интилишларини акс эттиришдан далолат бермоқда. Илм-зиё тараққиёти умумжаҳон жараёнида социалистик воқеликларнинг тобора кучайиб ва кенгайиб бориши равшан кўриниб қолган истиқбол ана шундайдир.

Социализм, демократия, тараққиёт — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мақсадлари ана шундай. Ишончимиз комилки, бу мақсадлар халқларнинг манфаатларига мос келади. Ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳамманинг эркин ривожланиши шарти бўлган жамиятнинг келажаги порлоқдир.

Бир пиёла чой баҳона

Дам олиш саҳифаси

НОМИ АЗИЗ ВА МУКАРРАМ

Бухоро дорилмуаллимининг доценти Тожи Қораев Алишер Навоий Бухорога бир неча марта ташриф этганлигини асослаб тарқатган хабари олимларда катта қизиқиш уйғотди. Буюк ўзбек шоири ижодини тадқиқ этаётган олим-шоирнинг Самарқанд-Ҳирот карвон йўлида жойлашган қўҳна шаҳарда бўлганини исботлаб-гина қолмай, кўп йиллик изланишлари натижаларига асосланиб, мутафаккир шу ерлик қаламкаш биродарлари, олимлар билан учрашганини ҳам таъкидлади.

Ҳар қандай илмий янгилик изчил текширишларни ва аниқ далилу исботларни талаб этади. Зотан тарих фақат ҳужжатлар ҳамда аниқ далилларга таянади.

Нима бўлганда ҳам бухороликлар Шарқнинг буюк даҳоси бу ерга шунчаки келиши мумкин эмаслигига ишончлари комилдир.

Бухоро вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи М. Ф. Фармонова Навоий йили белгиси остида ўтаётган тадбирлар ҳақида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтиб берди.

— Мабодо бу тахмин навоийшуносликда тасдиқланмаган тақдирда ҳам, шоир даҳосига ҳеч қандай путур етмайди, биз унинг истеъдодини, ўлмас асарларини жуда ҳурмат қиламиз, ардоқлаймиз, — деди Маира Фаттаховна.

— Вилоятингизда Навоий йилининг дастлабки ойларида қандай қизиқарли воқеалар бўлди, сиз шоир санасини нималар билан кутиб олдингиз? Чунки жумҳуриятимиздаги ҳар бир киши учун унинг номи азиз ва мукаррамдир.

— Агар Навоий йили доирасидаги барча тақдирлар махсус харитага киритиладиган бўлса, унинг ҳаммаёғига белги қўйиб ташланарди. Бирорта район, бирорта қишлоқ йўқки, бу шонли сана нишонланмаган бўлсин. Биз у ёки бу тантаналарни байрам қилиш юзасидан илгари мавжуд бўлган мажбурий одатларга хотима бердик. Навоийни қалбдан тушуниш, уни бутун вужуди билан ҳис этиш зарур, ана ўшандагина шоирнинг кучини, унинг маънавий таъсирини сезасан. Айни вақтда таваллуд санаси маданий-маърифий муассасалар ходимларига катта ташаббус билан ишлаш имконини берди. Улар маълум бир мавзуга бағишланган кечаларни, навоийхонликларни ўтказишга ижодий ёндошиб, бу тадбирларнинг жуда ҳам қизиқарли бўлишига ҳаракат қилдилар. Масалан, Навбаҳор районида «Марҳабо, талантлар» танлов кўриги ўтказилди. Унинг иштирокчилари Навоий ғазаллари асосида яратилган қўшиқлардан иборат мусиқали гулдаста тайёрлашлари лозим эди. Бу томошабинларни ҳам, ҳакамларни ҳам ўрта аср даврига қай тарздадир етаклаган ҳақиқий байрамга айланди. Кўрикда Навоийнинг дилларни мафтун этувчи ғазаллари ва байтлари янгради. Баъзилар ғижжак чалиб, Навоий оҳангларини ижро этса, баъзилар ҳиндларнинг ситорида куй чалиб, дилларни ром этдилар. Бошқалар эса мақомларни дил-дилдан қуйлаб кўпчиликни қойил қолдирдилар. Айримлар эса ўзларининг шоирона илҳомлари, нозик туйғулари билан Навоийга ҳурматларини намоён қилдилар. «Юлдуз» дастасининг яккахони Содиқ Саидов ғолиб деб топилди. Фольклор дасталари орасида «Зарафшон» жамоа хўжалигининг «Камолот» дастаси Навоий ғазалиётини мукаммал эгаллаганини кўрсатди ва унинг ғазаллари асосида яратган қўшиқларни моҳирлик билан ижро этди. Айтганча, у Тожикистонда ўтказиладиган фольклор фестивалига ҳам йўлланма олди.

Ромитан районида Навоий шеърияти асосида ўтказилган катта адабий кеча ҳамманинг эсида сақланиб қолди. У икки соатга мўлжалланган эди. Лекин ярим кечагача давом этди, одамлар тарқалишни хоҳлашмасди. Навоий ғазаллари, муҳаммаслари, рубоийлари, туюқлари ва қасидаларини ижро этган шеърият мухлислари бир-бирлари билан мусобақа қилишарди. Навоийнинг «Фикрлар хазинасида» 2500 тага яқин ғазал тўпланганлиги бизга маълум. «Ромитан давлат хўжалиги клубида «Барҳаёт Навоий» деб аталган адабий-мусиқий тамоша қўйилди. У гўёки икки даврни — ўтмиш билан бизнинг замонамизни бир-бирига боғлагандек бўлди.

Шофиркон районида Навоий ғазалларини энг яхши ижро этганлик учун ўтказилган кўрикда юзлаб одамлар қатнашди. Мазкур район жамоа хўжаликлари орасида «Қувноқлар ва зукколар» танлови бўлди. Қизилтепа районидаги «Нафосат» маданият уйида «Навоийнинг ўлмас даҳоси» композицияси қўйилди. Дарвоқеа, шоирнинг бирон бир тўртлигини ўқишни билган кишиларгина ана шу кечага киритилди. Худди шу ерда муштарийларнинг адабий анжумани ўтказилди. Ғиждувон районининг халқ театрида янги асар саҳналаштирилиб, томошабинларга кўрсатилди. Навоий районида шоир ижоди билимдонларини аниқлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. «Шеърият мулкининг султони» деб аталган танлов кечаси ўтказилди. Шундай қилиб, унинг қатнашчилари ўз билимлари, савиялари, фикрлаш доираларини намоён этишларига тўғри келди. Бухоронинг ўзида республика етакчи олимлари иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилгани катта воқеа бўлди. Унда эътиборга молик бир қанча муҳим маърузалар қилинди.

Мен кутубхоналарда ўтказилган навоийхонликлар, Карманада шоир ҳайкалининг очилиши, мактабларда Навоий асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар, қизиқарли мунозаралар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Буюк шоир номи билан аталувчи шаҳарда маданият соҳасининг ходимлари у ёки бу тадбирни ўтказишда алоҳида кўтаринки руҳда ишлаётганликларинигина таъкидлаб ўтмоқчиман. «Фарҳод» маданият саройида бўлган ҳаваскор санъаткорларнинг фестивали шонли санага бағишланди. Навоий асарлари руҳида ажойиб асарлар яратган ёш рассом Валерий Қуртмуллаевнинг кўргазмаси бўлиб ўтди, Навоий достонларидан бири инглиз тилида саҳналаштирилди, ҳатто болалар боғчаларида ҳам шоир таваллудининг 550 йиллиги нишонланди.

— Республикамизнинг барча вилоятларида шонли санага бағишланган тантаналар бўлди. Бу билан ҳамма тадбирларга хотима берилдими? Энди Навоий хотирасини унинг янги санасидагина эсга оламизми?

— Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Умуман, Навоийни ўзимизнинг кўпгина ишларимизда ҳамфикр, ҳамдард қилиб олишимиз керак, деб ўйлайман. Чунки шоир даҳоси асрлар мобайнида ҳаммага йўл кўрсатиб келган, ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида у бизнинг маслаҳатгўйимиздир. Мактабларда ҳам шоир асарларини ўрганишга катта ўрин берилиши керак, деб ҳисоблайман. Лекин ҳаддан ошириб ҳам юбормаслик керак. Баъзан: нима, ҳамма Навоийга ёпишиб қолди, ундан бошқа шоир йўқми?» деган гапларни эшитиб қоламан. Бу биз йўл қўйган камчиликлардандир. Демак қаердадир унга юзаки, мажбурий тарзда ёндашганмиз. Тадбирларни олдиндан ўйлаб ташкил этмаганмиз. Бизда сентябрь ойида бир қанча воқеалар бўлиши керак. Китоб ёйма савдоси, Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбобларининг кунлари шулар жумласидандир. Филармония жамоалари йил охиригача қишлоқ аҳли ҳузурига ўзининг янги дастурлари билан боради. Бухоро кўриқхона музейи қизиқарли кўргазма тайёрламоқда. Фаолиятимизда ёзувчилар, маданият арбоблари, ижодкор зиёлилар бизга ёрдам беришларига жуда умидворвмиз. Уларнинг халқ орасидаги обрўси жуда катта.

Шу сабабли адибларимизнинг Навоий ҳақидаги фикрлари салмоқли ҳамда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Акбар Ҳайдаров, номли маданият уйининг «Ёзёвон» ашула ва рақс дастаси нафақат район, балки Фарғона вилояти жамоа ва давлат хўжаликларида тез-тез бўлиб, меҳнат аҳлини хушнуд этмоқда. Ҳаваскор санъаткорлар ўз репертуарларини классик қўшиқлар, турли миллатларнинг куй ва рақслари билан бойитиб бормоқдалар.

СУРАТДА: дастанинг фаол иштирокчиларидан Қимматхон Маҳмудова билан Муҳаммаджон Ҳасановлар янги қўшиқни машқ қилмоқдалар.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ХОСИЯТЛИ ГИЁҲ

Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ва тоғолди жойларида, дарахтлар тагида, соя-салқин ерларда кўриниши яллизга ўхшаш, ўзидан хушбўй лимон исини таратиб турувчи ажойиб ўсимлик учраб туради. Бу лимон ўтидир. Унинг илмий номи шифобахш мелисса. Лимон ўти — лабгуллилар оиласига кирувчи кўп йиллик ўсимлик. Унинг бўйи 30—60 см, пояси тўрт қиррали, шохланган, барглари 6—8 см катталикда бўлади. Қийшиқ гуллари 3—10 тадан ёлғондакам халқага тўпланган бўлиб, меваси 4 та ёнғоқчадан иборат. 1000 дона уруғи 0,5—0,7 грамм вазнга эга.

Шифобахш маҳсулот гуллаган паллада йиғиб олинади ва салқин жойда қуритилади. Лимон ўти оғриқ қолдирувчи, қон босимини пасайтирувчи восита сифатида тавсия қилинади. Ундан қадим-қадимдан юрак фаолияти ва овқат ҳазм бўлишини яхшилаш учун фойдаланиб келинган.

Лимон ўтидан аллергия, уйқусизлик, аёлларга хос хасталиклар, бош оғриғи, бош айланиши, қабзият, тутқаноқ, камқонлик, паришонхотирлик, қорин шиши, чекка қисиши, оғиз яллиғланишини даволашда фойдаланиш мумкин.

Дамламасини тайёрлаш учун 2 ош қошиқ маҳсулот устига 2 стакан қайноқ сув қуйилади ва совутилади. Сўнг докада сузилиб, ярим стакандан кунига 4 маҳал овқатланишдан олдин ичилади.

Ш. УСМОНОВ.

ТУРФА ОЛАМ

ТЎРТ РАҚАМИГА САЖДА ҚИЛГАН ҲОҚОН

«Муқаддас Рим империясининг (Германия қироллиги устунлик қилган ўрта аср) ҳукмдори Карл IV га тўрт рақами ёқиб қолган экан. Карл IV салтанатининг тўрт пойтахти бўлган, уларнинг ҳар қайсисини тўрт буюк княздан бири идора қилган. Ўзи тўртта саройда яшаб, ҳар қайси саройда 4 тадан уйни ишғол қилган, ҳар бир уйда эса тўрттадан дераза, 4 тадан эшик, шунчадан стол ва қандил бўлган.

У тўрт нафар от қўшилган фойтунда юрган. Кийимининг ранги тўрт хил бўлган, тўрт тилда сўзлашган. Император кунига тўрт маҳал овқатланган, тўрт хил шароб ичган.

У тўрт марта уйланган, улардан тўрт ўғил кўрган. Ўлими олдида унинг ёнида тўрт шифокор ва 4 дин пешвоси турган. Уларнинг ҳар қайсиси ҳоқоннинг тўрт васиятини тўрт тилдан бирида ёзиб борган. У 1378 йилнинг 29 ноябрида роппа-роса соат тўртда дунёдан ўтган.

НАПОЛЕОН ҚУВОНЧИ

Кунлардан бир куни Наполеон III янги камзул кийди. Уни сарпо тугмалари жуда қувонтирди. Чунки улар ажойиб металлдан ишланган эди.

— Қимматбаҳо ва кўркам бундай тугмалар Европанинг ҳеч бир ҳокимида бўлмаса керак, — деб ўйлади у.

Кумушдек товланиб турувчи қимматбаҳо тугмалар, сарой аҳли эътиборидан четда қолмади. Бироқ ўша тугмалар ўз даври учун нодир ҳисобланган алюминийдан эканлиги камдан-кам кишиларгагина маълум эди.

А. АЛИЕВ тўплаган.

ТЎЁНА

Ҳажвия

Шифохона. Оқ халатли шифокор беморни текшириб чиққач, унга деди:

— Мана, Аҳаджон ака, батамом соғайдингиз. Бугун уйингизга кетасиз. Лекин, сўрамоқчи бўлганим — руҳий безовталикларингиз даставвал нималардан бошланганлигини билмоқчи эдим.

— Э, нимасини айтай, укам. Мен тараққиёт қурбониман. Ҳаммаси икки кишилик каравотдан бошланди.

— Ахир, каравотнинг нима алоқаси бор?

— Бор. Тушунтираман. Қайни-сингилларим етти-сак кизта. Улардан энг каттаси кеннойингиз. Сингиллари — Ойсарани узатадиган бўлиб қолишди.

Ҳали кўз олдимда. Кеннойингиз билан тўёнага нима олиб боришни роса ўйлашганмиз.

— Биласанми, хотинжон, яхшиси, сандиқ олайлик, — дедим унга.

Хотиним эътироз билдирди:

— Вой дадаси, соддасизда, ҳозир сандиқ қўшадими? Кейин Ойгулга сандиқ оборганмиз.

— Демак, бўлаверарканда.

— Йўқ, сандиқ расмдан қолган.

— Унда ке, икки кишилик каравотдан яхшиси йўқ, — дедим хотинимга. У ҳам фикримга қўшилди.

Қайни-сингилларим ҳаммаси дуркун қизлар. Вояга етишда ким ўзарга баҳслашгандек кетма-кет кўзга ташланиб қолишди.

Тўйлар дегани бирам бошланиб кетдики, қўяверинг. Мен айтай, сиз эшитинг. Ойжамолнинг тўйига телевизор обордик. Шу йилнинг ўзида Ойсанамга сервант кетди. Келаси йили Оқиланинг тўёнасига юбориладиган чанг сўргич билан музлатгич бироз жамғарма ва отпуска пулларимни ютиб юборди-ю мени дам олишдан маҳрум қилди.

— Оббо, роса абгор бўлибсиз-ку! — шифокор гап қўшиб қўйди.

— Укам, буниси ҳам холва. Тингланг. Олимани узатишларида кеннойингиз билан бироз айтишиб қолдик. Юқорида айтганларимдан битта нарса олайлик десам, хотиним боббиллаб берди:

— Жуда орқада қолган одамсиз, дадаси. Улар ҳозир расм эмас-ку! Давр нафасини сезасангиз нима қиладди. Давримиз қанақалигини биласизми? Тараққиёт даври!

Илож қанча. Тараққиёт даврида яшагач, бошга тушганни кўз кўрар қабилида иш тутдик. Бир неча стол, ўриндиқ, стул, журнал столчасидан иборат «комплект уй жиҳози» аталмиш тўёна мени ажабтовур эсанкиратиб қўйди. Ростини айтсам қарзга ҳам ботдим. Мана шундай қилиб, ўзимни шу ерда...

— Майли, ташвиш чекманг, соғлиқ бўлса қарз узилади.

— Ташвиш чекаётганим йўқ. Қарзларимни-ку иложини қиламан. Мотоциклга жуда ҳавасманд эдим. Навбатим етиб, тишим ковагида асраган жамғармага шу ерга тушишдан олдин битта «Урал» опкелиб қўйгандим, уйга. Ҳали минилгани йўқ. Қарзларимни шу билан узаман.

Шу пайт остонада эгнига оқ халат ташлаган Ойсулув — Аҳаджоннинг хотини кўринди.

— Қани дадаси, тайёрмисиз? Кетайлик уйга. Бугун чиқаётганингиз жуда ажойиб бўлди-да. Тўйга бирга борамиз.

— Қанақа тўй, яна?

— Вой, анавуни қаранглар. Бугун Одинанинг тўйи-ку. Барака топгурлар йўғингизни ҳам билдиришмади. Тўёнани оборишга ҳеч ким йўқлигини айтувдим, ўзлари машина билан келиб «Урал»ни олиб кетишди.

— А...?!

Собиржон ЮСУФАЛИЕВ.

Удумларимиз

ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ

Халқ донишмандлиги хазинасида қўшничилик ҳақида не-не пурҳикмат, заминдор дурдоналар мавжуд. Улар аввало, халқнинг ўтмиш ҳаётий билимлари самараси бўлса, қолаверса ақлу заковат, ҳикмат бобидаги беназир меҳр-оқибатнинг натижасидир.

Қўшничилик — минг йилчилик дегани — аслида мангулик дегани. Янги ҳовли олмоқчи бўлган ҳар бир одам: «Мен ийроқдаги қариндошимдан ҳам ортиқ ҳамсоя орттираман», деган ниятда иш тутади ва ҳовлидан ҳам кўра қўшни танлашга кўпроқ аҳамият беради. Ҳа:

Ер олсанг, сувини суриштир,
Ҳовли олсанг — қўшнисини,
нақли шундан.

Биринчи банднинг мазмуни шуки, ерига сув чиқадими-йўқми, ери-суви тозами ёхуд асли заҳкашми. Бўлғуси қўшни тарзи ҳам сенга аён бўлиши лозим, суриштиришдан ташқари бевосита юзлашиш, кўришиш жараёнида ҳам киши кўп нарса билиб олади.

Қиёмат куни — қўшнидан дегани эса бунинг мантиқий давомидир. Яъни у кунда кимнинг кимлиги, асосан айни қўшни шаҳодати орқали аниқланади. Бордию қўшни яхши деса яхшига ўтасан, йўқса бунинг акси бўлади.

Қўшни рози — худо рози,
ҳикмати ҳам шундан.

Энди: «Қўшнининг қўшнидан уч ҳақи бор», деган нақл талқинига ўтайлик.

Уч ҳақи бўлгач, уч бурчи ҳам бўлади. Улардан бири: қўшни йўқ маҳали уйидан бохабар бўлиб туришлик. Узоқяқиндан қўшнини сўроқлаб келувчиларга, худди айни чоғда қўшни ўрнида туриб муомала қилишлик. Йўқлаб келган кишининг ҳолатига қараб уйига таклиф этиш, то қўшни келгунча, нончой қилиб, гурунглашиб ўтирмоқликдан иборат.

Иккинчидан, қўшни бетоб бўлиб қолса, дарҳол ҳолидан хабар олиш, агар лозим бўлса, тез ёрдам чақириб, шифохонага жойлаб қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Учинчидан, қўшни бирор нарсага муҳтож бўлса, унга қўлдан келганча ёрдамлашмоқлик керак. Ҳатто ўз имкониятинг бўлмай қолганда ҳам ўзгалар орқали ёрдам кўрсатиш керак.

Айтаверса, қўшничилик расм-русумлари булар билан ҳам тугамайди: «Сенинг боғингда қўшнингнинг ҳам ҳақи бор» дейилади. Зотан, боғ ишларида қўшнинг сенга ҳамиша, ўзидай билиб қарашиб туради, навбати келганда ўзинг ҳам тек турмай доим қўшнингга қўлдан келганча ёрдамлашасан.

Умуман, қўшнининг тўйи — сенинг ҳам тўйинг, ташвиши — сенинг ҳам дарднг. Яхши кунда қувончига шериксан, ёмон кунда қайғусига. Тўйида қувончига қувонч қўшган бўлсанг, қайғусига тасалли берасан.

Хуллас: «Ийроқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» дегани — бежиз айтилмаган: ийроқдаги қариндош етиб келгунга қадар ҳар қандай вазиятда ҳам сен оёққа қалқиб, қўшни билан ҳамдаму елкадош бўлиб турасан.

Келтирилган ибратли сўзлар аслида халқнинг ҳаётий тажрибасида неча бор синовлардан ўтгани эндиликда қўпчиликка аён. Сиз қандай фикрдасиз, азиз муштарий?!

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

ХАНДА

— Агар сенга бирор нарса берса-чи?

— Мен ундан оёғимни иккинчи марта босишини илтимос қиламан!

* * *

— Бобом ризо тилар чоғида менга 30 минг динор қолдирдилар, — деди бир киши.

— Аммо менинг бобом сеникидан бой эдилар. Улар ўлганларида бутун ер юзини ва дунёдаги ҳамма нарсани менга қолдириб кетганлар! — деб жавоб қилди ошнаси.

Арабчадан
Б. МИРЗААҲМЕДОВ таржимаси.

Автомобилга ўтирган киши ҳайдовчига деди:

— Илтимос, тез ҳайдаманг. Умримда биринчи марта машинага чиқишим.

— Менга ўхшаб шижоатли бўлинг, — жавоб берди ҳайдовчи. — Менинг ҳам умримда биринчи марта машина ҳайдашим шу.

* * *

Агар бир киши оёғингни босиб олиб, сўнг кечирим сўраса сен нима қиласан? — сўради она.

— Уни кечираман, — деб жавоб қилди ўғил.

МЕҲРДАН МЕҲР УНАР

СИГИР ЙИҒЛАЙДИМИ?

Кўклам эди. Паркентдаги молбозорда улоқ сотиб олмоқчи бўлиб юрган эдим. Бир сигир менга суйканди. Оёқларимгачa ҳидлаб, ялмоқчи бўлди. Буни аввалига пайқамадим, сўнгра эътибор ҳам бермадим. Лекин уни ушлаб турган киши гап қотди:

— Сигир сизни таниб қолди. Ё чўнтагингизда нонпон борми?

Чўнтагимни пайпаслаб, сигирга тикилдим. Қашқаси, узун шохларига нигоҳим тушдию уни таниб, кўзларимдан тирқираб ёш чиққанини сезмай қолдим...

Илгари сигиримиз бўларди. Боласи ўлиб қолгач, нуқул маърайдиган бўлди. Сут ҳам бермай қўйди. Бир бузоқ сотиб олганимиздан кейингина боласини топгандек тинчиб қолди ва яна сут бера бошлади.

Йиллар ўтиб, бузоқ сигир бўлди. Бир неча марта туғди. Тепмасди, сузмасди. Серсут эди. Хуллас, менга ҳам, ўйдагиларга ҳам ёқарди. Лекин бошимга қутилмаган савдо тушиб, 1983 йилда мени қамаб қўйишди. Ноҳақ қайта-қайта суд қилишди. 8—9 ой уйга келолмадим. Оиламдагилар қийналиб қолиб, сигирни сотиб юборишибди.

...Мана энди ўша сигирни бозорда кўриб қолдим. Кўз ёшларимни тўхтата олмасдан сигир пешонасини силадим. «Бормисан, жонивор?», деб пичирладим. Воажаб бир маҳал қарасам, сигирнинг кўзларидан ҳам ёш томчилаяпти...

Шу орада сигирга харидор чиқиб, 830 сўмга сотиладиган бўлди. Лекин мен ўша воқеани гапириб, сигирни ўзим сотиб олмоқчи эканимни айтдим. Ҳамма рози бўлди. Сигир эгасига пули насия бўлишини, яъни уйимдан келтириб беришимни айтдим. У кўнди. Шу тариқа сотилиб кетган сигиримни етаклаб йўлга тушдим.

Кўп ўтмай сигир туғди. Йил бўйи сутини ичдик. Сигирнинг ёши ўтиб қолган эди. Икки йилдан сўнг касалланди. Дўхтирларга қаратдим. Фойдаси бўлмади. Жон бериш ҳолатигача молхонага ҳеч кимни киритмадим. Кўз олдимда жон берди. Уни боғимизнинг бир чеккасига кўмдик...

КАПТАР БОЛАЛАРИ

Каптар пастак дарахтга ин қурди. Ёнидан ўтганимда каптарга қўл чўзиб, уни силаб қўярдим. Негадир мендан чўчимасди. Вақти келиб каптар иккита бола очди. Улар тез улғая бошлади.

Бир куни дарахт ёнидан ўтаётиб каптарни ҳам, болаларини ҳам кўрмадим. Биров олиб кетибди-да, деб афсусландим. Орадан икки кун ўтди. Тасодифан ўтлар орасида нимадир қимирлаётганига кўзим тушди. Яқин бориб қарасам, каптар боласи. Беҳол. Дарров сув бердим. Жонланиб қолди. Ўтлар ичини айланиб, иккинчисини ҳам топдим. У ҳам сулайиб ётган экан. Уни ҳам озиқлантирдим. Дармон кириб, тетиклашди.

Каптарлар не учун бу ҳолга тушганлиги ҳақида бош қотириб, шундай хулосага келдим: афтидан, бу ердан ўтиб кетаётган моллардан бири дарахтга ишқаланган. Натижада полапонлар ерга қулаб, қаровсиз қолишган.

Ҳозир уларни уйда боқаяпман. Анча улғайиб қолишди. Ҳар замонда жажжи қанотларини қоқиб, учишга ғоғланишади. Фурсати етиб, учиб кетган тақдирда ҳам яна қайтишар, деган фикрдаман.

Й. ОДИЛОВ.
Паркент районидаги Заркент қишлоғи.



БОШҚОТИРМА

БУЙИГА: 1. Нозик ҳашарот. 2. Паст, ёш. 3. Сайроқи қуш. 4. Ўхшаш сўзлар. 7. Ҳинд миллий байрами. 8. Меҳр, муҳаббат. 11. Ўзбек халқ достони. 14. Мунтазир. 15. Чорловчи. 16. Осмондаги қизиллик. 21. Иштирок этиш. 22. «Уч денгиз оша саёҳат» фильмидаги ҳинд қизи. 23. Ҳинд фазогири. 24. Ўзбек совет шоири. 28. Каштадўзлик маҳсулоти. 29. Овқат тайёрловчи мутахассис.

ЭНИГА. 5. Паҳлавон, забардаст. 6. Сидқидиллик ифодаси. 9. Самарқанд вилоятидаги район. 10. Ўқ-ёй отиш анжомн. 13. Яхши иш, эзгулик. 14. Тоза, мусаффо. 17. Ҳурмат. 18. Улкан. 19. Опа-сингил. 20. «Ватан ишқи» драмаси қаҳрамони. 25. С. Анорбоев асари. 26. Сабзавот тури. 27. Укинч. 20. Ўзбек достони. 31. Ҳинд бадиий фильми. 32. «Хоразм» романининг муаллифи.

Фаёз АБДУҚАҲҲОР ўғли тузган.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

СЕРЗАРДА МАЙМУН

Жанубий Африка жумҳуриятининг Трансвааль музофотидаги Артуревью шаҳрида истиқомат қилувчи Дик Шварценбург Салли лақабли маймунга электрон ёзув машинкасида хат ёзишни ўргатмоқчи бўлди. Жонивор эса бу машғулотни одатдаги ҳазил-мутойиба ўйинларидан бири сифатида қабул қилди. Лекин бу тез орада унинг жонига тегди. Шунда у қўл ва оёқ бармоқлари билан машинка ҳарфларини бараварига ура бошлади.

Жаҳли чиққан «устоз», «шогирд»ини бир-икки марта қамчи билан савалади. Салли эса бунга чидаб тура олмади: 5,6 килограмм оғирликдаги машинкани даст кўтариб, Дикнинг бошига туширди. Фаросатсиз «устоз» шундан кейин жониворлар билан ҳазиллашмайдиган бўлди.

ШОВҚИН — ЗАРАР

Маълум бўлишича, кемалар ва нефть конларини бурғилашдан чиқадиган шовқин денгиз жониворларининг хулқига, ўсишига ва урчишига ёмон таъсир кўрсатар экан.

Тадқиқотлар натижасида Греландия ва Калифорниянинг кулранг китлари кемалардан қочиш учун ўз жойларини ўзгартириб туришлари исботланди. Эллик миль наридан катта музёрар ўтиб кетаётганида оқ китлар ташвишли сигнал берадилар. Шовқин балиқ уруғларининг ривожланиши учун зарарли, у ҳужайралар ривожини сусайтиради. Артур Майрберг деган олим озуқа излаб нефть миноралариига яқинлашиб қолган денгиз жониворлари кар бўлиб қолишини исботлади.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

БУЮРТМА № 5816. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.55. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12